Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 184 (20. 152) • 1988 йил 12 август, • жума • Баҳоси 3 тийин.

ҚАЙТА ҚУРИШ РАҲБАРИ

«Ҳурмат Белгиси» орденли Қўқон нон комбинати қовоқ корхоналар қаторига тушиб қолган эди. План сурункали бажарилмасди. Нуқсон, демократия йўли билан янги директор сайланди. Коммунист Алимқул Мавлонқулов дастлабки кунлардан бошлаб партия ташкилотига, ишлаб чиқариш новаторларига — қайта қуришнинг чинакам жонкуярларига таянди, ишлаб чиқариш участкаларини реконструкциялашни амалга оширди. Замонавий поток линиялари барпо этилди. Моддий ресурсларни тежашга ёрдам берадиган технологияларга ўтилди. Ишчиларнинг касб маҳорати оширилди.

Буларнинг ҳаммаси қисқа вақт ичида корхонани тармоқдаги олдинги ўринга олиб чиқиш учун реал имконият яратди. Эндиликда бу ерда ҳар кеча-кундузда 30 тонна нон маҳсулотлари, 60 тонна ширинликлар, 25 тонна макарон ишлаб чиқарилмоқда. Тежамли, сифатли, самарали меҳнат учун муносабат авж олдирилаётир. Коллектив тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Кўриниб турибдики, ҳаётнинг барча жабҳаларида демократиялаш чуқурлаштирилаётган, фан-техника тараққиёти жадаллашиб кетган ҳозирги пайтда раҳбарнинг роли ҳам ошиб бормоқда. Демократия асослари қанчалик кенг кўлам касб этмасин, партия, совет, касаба союз органлари, бошқа жамоат ташкилотларининг жонли ташкилотчилик ишлари, ташаббускорлиги нечоғлик ошиб бормасин, меҳнат коллективининг социал-иқтисодий тараққиётида, бутун ижтимоий ҳаётимизда раҳбар ходимнинг ўз ўрни, мавқеи, таъсири бор. Бинобарин, биз олдимизга қўйган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан улар ўз ишларини қай даражада қайта қуриб олганликларига боғлиқ.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидлангандек, қайта қуриш стратегияси, инқилобий янгиланиш жараёнлари, демократиялашнинг чуқурлашуви ва тўла ошкоралик шароити раҳбар кадрлар зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда. Кадрлар снёсати илмийлик, жўшқинлик, изчиллик касб этганлиги, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш кенг ошкоралик, эркин муҳокама тусини олганлиги бунинг далилидир. Республика партия комитетлари бу борада муайян тажриба орттирдилар. Тармоқлар, корхона ва хўжаликлар ишбилармон, тадбиркор, софдил, принципал кадрлар билан мустаҳкамланмоқда.

Республикамизда ўзининг ташкилотчилик иқтидори билан коллектив аъзоларини мураккаб, кўламли вазифаларни бажаришга сафарбар эта олувчи тадбиркор кадрларнинг бутун бир отряди камол топди. Улар турғунлик йилларидаги салбий ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш учун курашга бошчилик қилмоқдалар. Анджондаги «Коммунар» заводининг директори, область Советининг депутати Ҳалимуллә Ҳотамов, Тўрақўрғон райондаги «Ўзбекистон» колхози раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Пўлатбой Қосимов, Самарқанддаги маиший электр машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Виктор Анатольевич Чжен ўртоқлар қайта қуришнинг шундай жонкуяр ва билимдон ташкилотчиларидир.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига келаётган хат-хабарлар кадрлар билан ишлашда ҳануз жиддий камчиликлар содир бўлаётганини кўрсатяпти. Чуноичи, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг Ховос районидаги «СССР 60 йиллиги» ёрдамчи хўжалиги раҳбарлари ўз ишларини ҳозирги талаблар асосида қайта қуриб олишни мутлақо ўйламадилар.

Аксинча, хўжаликда содир этилаётган камчиликлар ҳақида гап очган, соцнал адолатни талаб этган ишчи-хизматчилар қувғинга қилинди. Анвар Аҳмедов ҳам шу тариқа ишдан қувилган эди. Фақат редакция аралашувидан кейин ҳақиқат ўрнида қарор топди. Ховос район партия комитетининг бюроси хўжалик директори Х. Норбоевга ишлаб чиқаришни ташкил этишда камчиликларга йўл қўйгани, меҳнат қонунларини бузгани учун, бош экономист А. Холбоевга ишдаги камчиликлари ва шахсий нокамтарлиги учун ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилди.

Ишни амалий жиҳатдан яхшилаш ўрнига, экономикадаги мавжуд қийинчиликларни ҳали ҳам хас-пўшлашга уринишлар, одамлар эҳтиёжига лоқайд муносабат, ишни янгичасига ташкил этишга иштиёқнинг йўқлиги, бюрократик тўғаноқлар, боқи-бегамлик кайфиятлари кўзга ташланаётир. Хўжалик юритишнинг, одамлар билан ишлашнинг сийқаси чиқиб кетган эски усулларн яшовчанлиги, маъмурий-буйруқбозлик услубидан узил-кесил воз кечишни ҳамма ҳам бирдек истамаётганлиги бунинг асосий сабабидир. Партия комитетлари кадрлар билан ишлашда шу сингари қусурларга қатъият билан барҳам беришлари керак. Ҳар бир раҳбар ходим қайта қуришнинг чинакам ташкилотчиси сифатида камол топтирилиши асосий вазифадир.

Раҳбар ходимларнинг кўпчилиги ўз ишини ҳануз асосли равишда қайта қуриб олмаётир. Янгиликни хушламаслик, ундан ҳадиксираш ҳамон кучли. Янгича бошқарув формаларини эски мазмун билан тўлдиришга уринувчилар ҳам йўқ эмас. Акс ҳолда корхона тўғрисидаги Қонун тўлиқ рўёбга чиқмаётганлигини бошқа яна нима билан изоҳлаш мумкин!

Шу ўринда Тошкент подшипник-ремонт заводини реконструкциялаш мобайнида юз бераётган ўзибўларчилик ҳам ғоят ачинарли. Бу ерда ускуналар эскириб кетган. Лекин янги техникани ўрнатиш, ишга тушириш пайсалга солинмоқда. Завод раҳбарлари ва мутахассислар эса ҳамон хотиржам.

Ҳозирги босқичда раҳбар ғоят кенг қамровли вазифаларнинг ижро этилишига бош-қош бўлиши зарур. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларн ҳам, новаторларнинг тажрибасн-ю, фан-техника ютуқларн ҳам униг эътиборидан четда қолмаслиги даркор. Тўла хўжалик ҳисоби шароитида молиявий таъминотнинг аҳамияти беқиёс ошмоқда. Бинобарин, раҳбар ходим хўжаликнн рентабел юритиш учун билим ва уқувни аямаслиги зарур. У тегишлиларга ҳам таёққа айёрлик кайфиятига ҳам пухта тўсиқ қўймоғи лозим. Ишчан ходимларни муносиб рағбатлантириш, дангасалар, бракчилар, ишёқмасларнинг танобини тортиш унинг қўлида.

Албатта, буларнинг ҳаммаси учун етарли журъат, қатънят, принципиаллик зарур. Ҳар бир раҳбар ходим очиқ-ойдин тушуниб, идрок этиб олмоғи керакки, бугунги кунда шахсий манфаатларга дахл этмай туриб, фидокорликсиз самарали натижаларга эришо олмаймиз.

Афсуски бошқарувнинг алмисоқдан қолган, сийқаси чиқиб кетган усул ва услубларига ёпишиб олаётган ходимлар ҳали кўп. Демократиялаш ва ошкоралик шароитида ишлашга лаёқатсизлик уларнинг асосий қусурн. Бундай раҳбарлар бирор масаланинг ечимини ўзларича пиҳқона пишитиб оладилар-да, ўз хатти-ҳаракатларига ошкоралик ниқобини кийдиришга уриниб, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларн эътиборига тайёр ечимни ҳавола этадилар. Бизда раҳбарнинг иродасига тик бора олмайдиган, унинг қарорларини қўл қовуштириб қабул қиладиган жамоат ташкилотчилари оз эмас. Чунки партия конференциясида алоҳида таъкидланганидек, кўпинча уларнинг фаолиятида мустақиллик етишмайди, демократиялаш ҳамма жойда ҳам тўла қарор топмаган. Меҳнат коллективларида ўзаро талабчанлик муҳити етарли таъминланмаган. Эскича ишлаш ишқибозларн эса худди шундан манфаатдор.

Партия конференциясида бошқарув аппаратидаги консерватизм, буюрократизмни барҳам топтириш масаласи кескин қилиб қўйилди. Зеро, ҳозирги демократиялаш, тўла ошкоралик, туб иқтисодий ислоҳот шароитларида янги бошқарув формаларини қабул қилишга, ўз ишини амалий жиҳатдан қайта қуришга шошилмаётган раҳбар ходимлар оз эмас. Бундайлар ўз ниятларини янгича шиорлар, баландпарвоз иборалар, кўпбосқичли тадбирлар билан ниқоблашга зўр бермоқдалар.

Айрим ходимлар тарафкашлик курашидан, буйруқбозлик ҳис-туйғуларидан, маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик кайфиятларидан илдам холос бўла олмаётирлар. Уз фикрини ўтказишга зўр бериб уринниш ҳолларн юз бериб турибди. Булар янгланиш, қайта қуриш руҳига зид, албатта.

Ошкоралик даври, демократиялаш даври ўзига хос иш усулларини қарор топтирмоқда. Раҳбар кадрларимиз ўзларида муносабатларга ўчлик, рўй-рост гаплашиш иштиёқини тарбиялашлари, бошқача фикр билдирилганида босиқлик ва сабр-тоқатни намоён этишларн зарур. Эркин, тенгма-тенг мусоҳаба ҳақиқатни рўёбга чиқариш омили эканлигини асло унутмаслик керак. Дезрлн, ҳар бир меҳнат коллективи аслида кўп миллатли эканлигини, бинобарин, одамлар билан ишлашда, тарбиявий, оммавий-маданий ишларни ташкил этишда бу жиҳатни диққат марказида тутиш лозим. Одамлар эҳтиёжига ҳозиржавоблик, иш ва турмуш шароитларини яхшилашда жонкуярлик раҳбар ходимнинг хислатига айланмоғи шарт.

Маълумки, ҳар бир иш профессионал жиҳатдан тўла лаёқатли, қатънятли, қўйилган мақсад йўлида собитқадам ташкилотчиларнинг, етакчиларнинг изчил ташаббусисиз, қизғин меҳнатисиз рўёбга чиқмайди. Бинобарин, қайта қуриш режалари янги типдаги аппарат —кшчан, серҳаракат, изланувчан, аналитик таҳлилга мойил аппарат вужудга келтирилишини тақозо этади. Партия конференцияси бу ишнинг амалий йўл-йўриғини кўрсатиб берди. Бошқарувнинг замонавий методларини, энг янги ахборот техникасини, электрон-ҳисоблаш машинасини пухта ўзлаштириб олган ходимлар бундай аппаратнинг магнзи, ақлидрокидир.

Вазифа бошқарув аппаратларини билимдон, ваколатли, дадил ходимлар билан мустаҳкамлашдан, бутун куч, ресурсларни беш йиллик топширимқларини ошириб бажаришга йўналтиришда раҳбар ходимларнинг масъулиятини, ташаббускорлигини кучайтиришдан иборат.

Пахтакор ўртоқлар!

● Август ойи давомида ғўза парваришини кучайтириш ва барча майдонларда мўл ҳосил тўплаш шу куннинг муҳим вазифасидир.

● Парваришни давом эттириш билан машина теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрайлик. Ҳамма «зангори кема»лар тайёргарлик чизигида бўлсин.

● Ҳирмон жойлар, тош-тарозилар, йўлларни барвақт ҳозирлаш мавсумни муваффақиятли таъминловчи муҳим омиллардир.

● Бу йил ҳам ғўза баргини тўктиришда бутифос ишлатилмайди. Дефолиацияни бутифоссиз ўтказиб, юқори самарага эришганлар тажрибасини ўрганинг!

● Далада ишлаётганлар учун ғамхўрликни кучайтириш партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг диққат марказида турсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Марказий Комитет Бюроси «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг КПСС XXVII съездининг меҳнаткашларни хизматлар билан таъминлашга қаратилган йўл-йўриқларини амалга оширишга оид ишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Бирлашма партия комитети ва маъмурияти социал масалаларни ҳал этишга эътиборни анча кучайтирганликлари таъкидланди, бош корхонада руҳий дам олиш хоналари мавжуд, цехларда сауналар, яхши жиҳозланган маиший хоналар бор, чой ичиладиган хоналар жиҳозланган, маиший хизмат уйи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари магазинлари ишлаб турибди. Заводда 17 хил хизмат кўрсатилмоқда, корхона ҳузурида тўртта кооператив ташкил этилган.

Шу билан бирга бирлашма партия комитети ва аввало унинг секретари ўртоқ Х. З. Умаров партиянинг меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларидан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Партия комитети корхонада ривожланган хизмат соҳасини вужудга келтириш учун раҳбар коммунистлар масъулиятини ошира олмади.

Бирлашманинг барча бўлинмалари ҳам пулли хизмат кўрсатишга жалб этилмаган. Маданий ва спорт-соғломлаштириш тусидаги хизматлар жуда суст ривожланмоқда, завод ётоқхоналарида хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган. Директорнинг кадрлар ва маиший ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Э. И. Бойметовнинг айби билан ёрдамчи хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги масала кўп вақтдан буён ҳал қилинмаяпти.

Пулли хизматни ташкил этишдаги камчиликлар кўп жиҳатдан шу билан изоҳланадики, бирлашманинг бош директори ўртоқ Т. М. Маҳаметов, унинг ўринбосарлари етарли ташаббускорлиқ ва қатъият кўрсатмаётирлар. Бирлашманинг иқтисодий хизматлари ва директорнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ўртоқ В. И. Шевченко бу ишга эътиборни бўшаштириб юборганлар.

Тошкент шаҳар Киров район партия комитетининг секретарлари М. М. Умарова, Ю. Б. Казаринов ўртоқлар райондаги корхоналар ва муассасаларда пулли хизматни ташкил этишни чуқур ўрганмаётганликлари ҳам таъкидлаб ўтилди. Бу масалалар партиявий йўл билан етарлича муҳокама ва контрол қилинмаяпти.

Марказий Комитет Бюроси бирлашма партия комитетидан корхонанинг социал муаммоларига муносабатни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Коммунистлар Т. М. Маҳаметов, Х. З. Умаров, Э. И. Бойметовни корхона меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш ва уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишининг аҳволи учун шахсан жавобгар эканликлари огоҳлантирилди.

Маъмурият партия ва касаба союз ташкилотлари билан биргаликда 1988—1990 йилларда пулли хизматни жадал ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиққанлиги ва бу программа меҳнат коллективи кенгаши томонидан тасдиқланганлиги эътибор учун қабул қилинди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш топшириқларини бажариш чоғида йўл қўйилган масъулиятсизлик фактлари кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига, Ўзбекбирлашувга, Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун таъсирчан чораларни кўриш, сифатсиз маҳсулот етказиб беришда айбдор бўлган кишиларни қаттиқ партиявий ва маъмурий жавобгарликка тортиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосарлари С. Г. Хорев, Т. Н. Набиев ўртоқларга, Ўзбекбирлашув раисининг ўринбосари ўртоқ Э. Қурбоновга, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари ўртоқ В. М. Желтоуховга мазкур ишдаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида баъзи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.







НОМЕРГА ХАБАР

ВАТАН ҚУЧОҒИДА

ТЕРМИЗ, 11 август. (ЎзТАГ). Ўзбекистон яна интернационалист-жангчиларни кутиб олмоқда. Бугун Амударё қирғоғида — Термиз — Ҳайратон дўстлик кўприги олдида Кундуз вилоятида хизматни ўтаган бўлинмаларнинг аралаш колоннаси тантанали кутиб олинди.

Ўз бурчини бажариб қайтган жангчиларни кутиб олишга бағишланган митингни Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси Х. Бердиев очди. Дўст мамлакат заминида оғир жанговар ишни бажарган солдат ва офицерларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, жамоатчилик вакиллари, санъат арбоблари табрикладилар.

Совет Иттифоқи Афғонистонга доир Женева битимларини изчиллик билан бажармоқда, деб таъкидлашди митинг қатнашчилари. Мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсати, регионал можароларни бартараф этиш, халқлар ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатиш йўли бу қувончли учрашув бўлишига имконият яратди. Барча совет жангчилари афғон халқи олдидаги интернационал бурчларини бажариб, жонажон Ватанимизга қайтиб келишига оз вақт қолди.

Митингдан сўнг бўлинмалар ўз доимий турадиган жойларига жўнаб кетди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз пахтакорлари далаларда ғўза парваришини авж олдиришяпти. Ўсимликни суғориш, озиқлантириш, қатор ораларига ишлов бериш бирбирига боғлаб, юксак агротехника талаблари асосида олиб борилаётгани туфайли барча пайкаллардаги ўсимликнинг авжи баланд. Ҳар туп ғўзада 8-9 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Суратларда: бригада бошлиғи Йўлдош Қаландаров (чапда), механизатор Раҳим Абдуллаев (ўнгда) ўз меҳнатлари самараси — серҳосил ғўзаларни кўриб қувонишмоқда. Ўртадаги суратда ўсимликка ишлов бериш пайти тасвирланган.

В. ТЎРАЕВ фотолари.

• Дала шийпонида суҳбат

Махсус мухбиримиз К. РИХСИЕВ Боёвут районидаги «Боёвут» совхозининг ижара пудрати асосида ишлаётган бригадаси дала шийпонида бригадир Абдушукур САРИМСОҚОВдан ижара пудрати афзалликлари ва уни тўла жорий этишга тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Хўжалигимизда оила, коллектив пудрати методлари яхши самаралар бермоқда. Ҳамма коллективларда ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, ишчанлик муҳити қарор топганлиги туфайли совхозимизнинг иқтисодий қудрати тобора юксалиб бормоқда. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги ортяпти. Деҳқонлар даромади ҳам шунга яраша юқори бўлмоқда.

Бригадамиз аъзолари қатор йиллардан бери пудрат асосида ишлаб, пахта етиштиришни кўпайтириб боришга эришмоқдалар. Лекин тажрибаларнинг кўрсатишича, бу усул пахтакорларда ерга хўжайинлик ҳиссини ҳали тўла куч билан намоён этмаяпти. Чунки деҳқонга мустақил ишлаш, моддий ва пул ресурсларидан ўз хоҳишига қараб фойдаланиш учун айрим фермойиш, кўлланма, кўрсатмалар халақит беряпти. Ҳақиқий ижара пудрати эса бундай тўсиқларга барҳам бериб, эркин ҳаракат қилишимиз, ўз меҳнатимиз самарасидан тўла баҳраманд бўлишимизнинг ойдин йўлидир.

Биз ана шуларни ҳисобга олиб, шу йилдан бошлаб ижара пудрати асосида ишлай бошладик. Бу нима дегани? Энди коллективимиз совхоздан маълум миқдордаги ерни ижарага олади ва ҳар гектар ер учун йилига 1181 сўм тўлайди. Бундан ташқари барча зарур нарсалар, яъни чигит, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш воситалари ҳамда бошқа ресурсларни ўз ҳисобимиздан сотиб оламиз. Етиштирилган маҳсулотни эса сорти ва сифатига қараб белгиланган харид нархларида сотамиз. Оз маблағ билан кўпроқ маҳсулот етиштирсак тежалгани ўзимизга қолади. Коллектив пудрат усулида ишлаганда эса иқтисод қилган маблағимизнинг маълум процентигина тегарди.

ИЖАРА ПУДРАТИ— МУСТАҚИЛЛИК ЭМАСМИ?

Шу сабабли биз ҳозир ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш, ўғит, сув, бошқа ресурсларнинг самарасини икки, уч ҳисса ошириш, ҳар бир агротехник тадбирни фақат юқори сифатли адо этишга ҳаракат қиляпмиз. Сифатсиз бажарилган иш кейинчалик ўзимизнинг ҳамёнимизга зарар келтиришини биламиз. Йил бошидан бери қилган меҳнатимиз натижаси ҳозир кўриниб қолди. Ғўзамиз яхши ривожланмоқда. Ҳар бир тупда 8-10тадан кўсак санаш мумкин. Улар ёнига ҳар 3-4 кунда биттадан бўлиқ кўсак қўшиляпти. Бир сўз билан айтганда, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун барча имкониятларга эгамиз.

Бунинг устига баъзи бир тадбирларни иложи борича камроқ, лекин сифатли бажарганимиз ҳам қўл келяпти. Ўтган етти ой мобайнида 6 минг сўмга яқин маблағ иқтисод қилишга эришдик.

Юқорида айтганимдек, ижара пудрати тўла мустақиллик шароитидагина яхши самара беради. Бироқ биз ҳали бунга эриша олганимизча йўқ. У ёки бу ишни кўнгилдагидек адо этилиши учун одамларга ҳақ тўлаш ҳаво ноқулай келиб қолсачи? Унда иш орқага сурилиши, боз устига сифатга путур етиши мумкин. Шунинг учун биз пахталар қийғос очилган дастлабки пайтда механизаторларга ҳам, теримчиларга ҳам кўпроқ ҳақ тўлашни режалаштирамиз. Аммо РАПО бунга рухсат бермайди. Агар илгарироқ терилган пахта учун кўпроқ ҳақ тўланса, одамлар моддий манфаатдорликни ўйлаб ганимат дамларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланадилар, оила аъзоларини ёрдамга чақиришади, буларнинг ҳаммаси — бор ҳосилни қисқа муддатда териб олинишини таъминлаши, шубҳасиз.

Ҳозир областимиз, райониимизда ижара пудрати афзаллиги ҳақида гаплар бўляпти. Лекин жорий этиш суст. Жорий этилган ерларда ҳам унинг баъзи томонларигина амал қилмоқда, холос. Масалан, ерлар узоқ муддатга шартнома асосида деҳқонларга берилмаган. Бундан ташқари ижарачилар ўзларининг техника воситаларига эга эмас. Кўпинча керакли нарсалар ўз муддатида етказиб берилмаяпти. Бу эса бир томондан ишловчиларнинг мустақил иш юритишларига салбий таъсир этса, иккинчи томондан — ерга ва бошқа моддий ресурсларга ҳақиқий хўжайинлик туйғуси қарор топишига тўсқинлик қилади.

Ижара пудрати областимизда энди жорий этиляпти. Шунинг учун уни тез, қисқа вақт ичида тўла қарор топтириш қийин. Лекин уни асоссиз чўзиб юбориш ҳам ярамайди. Шундай экан, янгиликни кенг жорий этишни иложи борича тезлатиш ва оқилона ташкил этиш керак. Бунга қанча барвақт эришилса давлатга ҳам, деҳқонларга ҳам шунча яхши.

• Бугун—Ягона сиёсий кун

ҲАРАКАТЛАР, КОНКРЕТ ИШЛАР ДАВРИ

Бугун республикамиздаги барча меҳнат коллективларида, ўқув юртларида Ягона сиёсий кун ўтказиладн. У КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленуми материалларини кенг пропаганда қилишга бағишланади. Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Марказий Комитет июль Пленумида «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида» қилган доклади ҳамда Пленум қарорларини чуқур ўрганадилар. Мулоқотлар чоғида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бажариш, қайта қуришни, туб иқтисодий ислоҳотни ва совет жамиятини демократиялашни жадаллаштириш соҳасида олдинда турган вазифалар, етилган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида батафсил фикр юритилади. Сайлаб қўйилган органларнинг вакиллари меҳнаткашлар билан бўладиган учрашувларда ишлаб чиқариш ва маданий турмушнинг барча соҳаларида қайта қуришнинг бориши, демократия ва ошкораликни кенг жорий этиш, инсон, унинг бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлик, шунингдек, ҳозир қишлоқ хўжалигига кенг кўламда кириб келаётган оила ва ижара пудрати қандай жорий қилинаётгани масалаларини маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, аниқ мисоллар асосида чуқур таҳлил қилишлари лозим. Бугунги Ягона сиёсий кун КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини кенг пропаганда қилишда муҳим ўрин тутишига эришиш керак.

• *Партия турмуши: қайта қуриш қандай бормоқда?*

ПАЛА-ПАРТИШ ИШЛАШ ОҚИБАТИ

Партия КПСС Устави талабларига биноан ўз сафини энг илғор, онглик, софдил, садоқатли кишилар ҳисобига тўлдириб борадн. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ҳам ана шу масалага алоҳида эътибор берилди: «Партия учун ҳаётий муҳим ҳисобланган бу масалага ҳар қандай разнарядкалар, бюрократик ёндашувлардан қатъий қалос бўлишимиз керак. Партия сафига кирувчи қишилар фазилатларига баҳо беришда асосий мезон — уларнинг позицияси ва қайта қуришдаги реал иштирокидир. Бу талаб ҳаммага — ишчиларга ҳам, деҳқонларга ҳам, зиёлиларимизнинг намояндаларига ҳам тааллуқли бўлмиш зарур», деб таъкидланди.

Биз Андижон машинасозлик заводида бўлиб, партия сафини ўстиришда ленинча кўрсатмаларга қандай амал қилинаётганлиги билан қизиқдик.

— Партия йиғилишларидан бирида Шуҳрат Мухторов билан Дилфуза Ибайдуллаевани партия аъзолигига кандидатликка қабул қилдик, — деди 5-цех партия ташкилотининг секретари Кевсер Яғьяев. — Иккаласи ҳам коммунистлар томонидан берилган саволларга қисқа ва аниқ жавоб беришди. Мен уларни яхши биламан. Шуҳрат пружиначилар бригадасининг бошлиғи, цех меҳнат коллективи кенгашининг раиси. У ўзининг ишчанлиги, интизомлилиги, самимийлиги, ташаббускорлиги билан коллектив ҳурматини қозонган. Ш. Мухторов бошлиқ бригада ишлаб чиқариш планини мунтазам бажариб келади.

Дилфузанинг ҳам коллективда тутган ўрни, обрўси жойида. 3 йилдан бери иш тақсимловчи бўлиб ишлайди. Социалистик мусобақада бир неча марта ғолиб чиққан. Цех комсомол ташкилотининг аъзоси сифатида ҳам ибратли ишлар қиляпти.

Коммунист ишлаб чиқаришда ташаббускор бўлиши, бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштира билиши лозим. У ўз ишини қайта қуриб олиш билан чекланмай, атрофдагиларга ҳам ёрдам бериши керак. Цехимизда ишлаётган 20 нафар КПСС аъзоси ва икки партия аъзолигига кандидат ана шу йўлдан боряпти.

Заводда 10-цех ишчиси Дилшод Мадаминов, 4-цех токари Илҳом Қодиров ҳам кандидатлик муддатини яхши ўтаб, ишончли оқлашаётгани ҳақида илиқ гаплар айтишди. Буларни кандидатликка қабул қилишда бригада бошлиғи Каримжон Турдиев, цех партия ташкилотининг секретари Турсунбой Холхўжаев суҳбатлашган эдилар.

Илғор ишчилар партия аъзолигига кандидатликка резервга олинади, коммунистларга биркитиб қўйилади, кузатилади. Кандидатликка қабул қилиш тўғрисидаги аризалар партия группалари ҳамда цех партия ташкилотларида муҳокама этилади. Сўнг завод партия комитетида кўрилади. Бундан олдин эса партияга киручилар билан партия ветеранлари: корхона сиёсий ўқув кабинетининг мудири Мария Денисова, завод юристи, Андижон шаҳар партия комитети қошидаги партия комиссиясининг аъзоси Семён Крупальник ва бошқалар якка тартибда суҳбат ўтказадилар. Суҳбат чоғида партия сафига кираётган кишиларга ўз билимини ошира боришлари ва фаолиятидаги айрим камчиликлардан тезроқ холи бўлишлари учун йўл-йўриқлар кўрсатилиб, маслаҳат берилади.

Завод партия комитети ва унинг қошидаги 18 та цех партия ташкилоти, 26 та партия группаси атрофига 404 КПСС аъзоси, 7 нафар аъзоликка кандидат уюшган. Кейинги 3 йил ичида корхонада партия сафи 36 кишига ўсди. Партияга қабул қилинганларнинг учдан икки қисми комсомол-ёшлардир. Улар бевосита ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат қилмоқдалар.

Корхона партия комитети ўз ишини қайта қуриш, коммунистларнинг активлигини ошириш, меҳнат коллективи олдида турган долзарб вазифаларни адо этиш борасида анча ишлар қилди. Партком секретари Анваржон Охунжоновнинг айтишича, барча коммунистлар конкрет партиявий топшириққа эга. Бу топшириқ цех партия ташкилотларида алоҳида дафтарга ёзиб борилади. Унинг ижроси устидан мунтазам назорат қилиш йўлга қўйилган. Ҳар бир коммунист ўзига билдирилган бу юксак ишончни қадрлаб, уни оқлаш учун курашмоқда. Партия аъзолигига кандидатларга ҳам конкрет топшириқлар берилган. Масалан, 2-цехнинг электрпайвандчиси Муроджон Камолов, 4-цехнинг асбобсоз слесари Абдуқодир Тожибоевга агитаторлик, 12-цех инженери Анатолий Кваковга спорт ишлари билан шуғулланиш топширилган.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ВА ЁШ КОММУНИСТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЖИДДИЙ НУҚСОНЛАР РЎЙ БЕРЯПТИ.

— Очиғини айтганда, заводимизда партия сафини ўстиришда шошма-шошарликка йўл қўйилмоқда, — дейди А. Охунжонов. — 10-чўян қуйиш цехининг пайвандчиси Сергей Ларионов партия аъзолигига кандидатлик муддатини яхши ўтамади. У цех комсомол ташкилотининг секретари эди. Кандидатлик даврида комсомол ишларига қарамай қўйди. Партиявий топшириқни ҳам бажармади. Кандидатликка ўтиш учун кафолот берган завод комсомол комитети, у билан бирга меҳнат қилаётган ва тавсиянома берган коммунистлар Р. Исканов, Р. Юсупов унга тўғри йўл кўрсатишди, маслаҳат беришди. Лекин С. Ларионов ўзгармади, ҳатто 2 ой аъзолик бадалини тўламади.

Оқибатда завод комсомол комитети ҳам, Р. Исканов, Р. Юсупов ҳам ўзлари берган тавсияномани қайтариб олдилар. Ишончни оқламагани учун С. Ларионов партия аъзолигига кандидатликдан чиқарилди...

Уч йил давомида завод бўйича 9 киши партиядан ўчирилди. 13-цех ишчиси Неъматжон Мамиталиев партиявий ишларда қатнашмагани, аъзолик бадалларини вақтида тўламагани, ремонтчи слесарь Анварбек Қосимов, 10-цех ишчиси Мўмин Акбаров Устав талабларини мунтазам равишда бузгани, 11-цех силлиқловчиси Ғ. Ҳакимов партия билетини йўқотгани, партия ҳаётидан ажралиб қолгани учун партия сафидан чиқарилдилар. КПСС аъзолари мастер Илҳом Ашуров, электрик Виктор Денченко ичкилик ичиб, ҳушёрхонага тушдилар. Уларга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

11-цехнинг иш тақсимловчиси Ольга Молодцова партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Унга коммунистлардан Н. Сусликов, М. Царев ва завод комсомол комитети тавсияномо берган эди. Бироқ унинг ўзи партияга ўтиш учун қизиқмади. Шундай бўлса ҳам бошланғич партия ташкилоти уни кандидатликка қабул қилди. Лекин шаҳар партия комитети бюроси завод партия ташкилотининг бу қарорини тасдиқламади. Чунки О. Молодцова КПСС Уставини яхши ўрганмаган эди. Бошланғич партия ташкилоти нега бундай пала-партишликка йўл қўйди?

— Шаҳар партия комитетининг «разнарядкаси» бўйича ҳар йили 12 кишини партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишимиз шарт, — дейди партком секретари, — шундан 4 нафари хотин-қизлардан бўлиши керак. Худди ана шу О. Молодцова «разнарядка» бўйича зўрма-зўраки кандидатликка қабул қилинган эди.

Корхонада партия аъзолигидан наф чиқаришни кўзлаб, КПСС сафига кирган шахслар ҳам йўқ эмас. Шу йил 23 июнда 5-цех партия ташкилоти пружиначи Р. Орифжоновни партия сафидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Биз билан суҳбатда у қуйидагиларни айтди:

— Ўтган йили Қримда «Анапа» санаторийсида дам олган эдим. Врачлар шу санаторийда 3 марта даволанишни айтишганди. Бу йил партия, касаба союз ташкилотлари путёвка топиб бермадилар. Шунинг учун партиядан чиқиш тўғрисида ариза бердим. Бундан ҳафа эмасман.

— Р. Орифжонов тажрибали ишчи. У тайёрлаган пружиналарга эътироз кам бўлади, — дейди 5-цех партия ташкилотининг секретари К. Яғьяев. — Лекин у коллектив ишига лоқайд қарайди. Йиғилишларда қатнашмайди. Бундай кишиларнинг партияда бўлиши шарт эмас, деб ҳисобладик.

Партия ташкилоти фаолиятидаги камчиликлар коммунистлар билан ўтказилаётган суҳбат жараёнида ҳам яққол сезилиб қолаётир. Заводда 18 кишидан иборат жанговарлик кўриги комиссияси иш бошлади. Комиссия ҳозиргача 120 КПСС аъзоси билан суҳбат ўтказди. 2 нафар коммунист суҳбатдан ўтолмади. Суҳбат жараёнида 11-цех токари Юрий Шавалеев 5 ой аъзолик бадалини тўламагани аниқланди. Цех партия ташкилоти секретари Ё. Йўлдошев у билан муросасозлик қилиб келган. У ҳам партия ҳаётидан ажралиб қолган. Кўрик комиссияси Ю. Шавалеевни партия сафидан чиқариш тўғрисида таклиф киритди.

Йил охиригача барча коммунистлар билан суҳбатлашиб бўлинади. Лекин суҳбат жуда юзаки, номига ўтказилмоқда.

Юқорида қайд этилган мисоллардан кўриниб турибдики, машинасозлик заводи партия ташкилотида кишиларни яхши ўрганмасдан партияга қабул қилиш қоллари рўй бермоқда. Партияга янги аъзолар қабул қилишга ортиқча берилиб кетиш, бу ишда пала-партишликка йўл қўйиш партия қурилишининг ленинча принципларига зиддир. Завод партия комитетининг партияга энг муносиб кишиларнигина қабул қилиш юзасидан белгилаган чоратадбирлари қоғозда қолиб кетмоқда. Завод партия комитети қошида партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлаш комиссиясининг йўқлиги ҳам партияга киручи кишиларнинг яхши ўрганилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Партия комитети мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида партияга қабул тўғрисидаги масала онда-сонда кўрилаётганлиги ҳам бу муҳим ишга эътиборнинг сустлигини кўрсатади.

Партиянинг бугуни ва келажаги партияга киручи аъзо бўлиб кираётганига боғлиқ. Бу ҳақда КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида алоҳида таъкидланди. Ишчиларнинг қайта қуришга, ошкораликка, танқид ва ўзўзини танқидга, демократияни чуқурлаштириш жараёнига муносабати, буларни рўёбга чиқаришда амалий иштирок этиши партия сафига киришнинг энг муҳим мезони бўлиши керак.

Андижон машинасозлик заводи партия ташкилоти бу соҳадаги ишни худди ана шу талаблардан келиб чиқиб ташқил этиши зарур.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.






АРАРАТ ВОДИЙСИДА

✦ Арманистон ССРнинг Арарат водийсида ҳозирги пайтда қизғин меҳнат палласи бошланди. Далаларда пишиб етилган сабзавот ва ҳўл мевалар ҳосилини йиғиштириб олиш қизғин бормоқда. Улар республиканинг кўплаб саноат шаҳарларига ва қўшни республикаларга пешма-пеш жўнатилиб турилибди. Республиканинг Эчмиодзин районидаги Айтаҳ қишлоғи колхозида эса деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб олиш билан бирга кузги майдонлардаги экинларни парвариш қилишни ҳам давом эттирмоқдалар.

Суратда: ёш колхозчи Анжелла Варданян пишиб етилган полиз экинларини йиғиштириб олмоқда. У ҳар куни 400 килограммдан ортиқ бодринг узиб олишга эришаётир.

ТАСС фотохроникаси.



МУҲИМ САНА

✦ Яқинда Смоленск меҳнаткашлари шаҳарининг 1125 йиллигини катта байрам сифатида нишонладилар. Қадимий рус шаҳарларидан бири ҳисобланган Смоленск революция-дан сўнг иқтисодий ва маданий ҳаётда беқиёс ютуқларга эришди. Шаҳар саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кўпдан-кўп маҳсулотлар Совет Иттифоқи шаҳарларига ва чет элларга жўнатилиб турибди.

Кейинги йилларда айниқса, уй-жой қурилишида катта ютуқларга эришилмоқда. Шаҳарликларни уй-жой билан таъминлаш учун катта тадбирлар белгиланган.

Суратда: XVI ва XVII асрларда бунёд этилган Смоленск қалъа деворн акс эттирилган. Бу ҳарбий-мудофаа ва архитектура ёдгорлиги сифатида авайлаб сақланмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг материалларида таъкидлаб ўтилганидек, капитал қурилишда бино ва иншоотларни ишга туширишнинг муддатини қисқартириш, арзон ва соз қуриш муҳимдир. Капитал қурилиш ишида бундай туб ўзгаришга эришиш фан-техника янгиликларини кенг жорий этиш ва мутахассислар масъулиятини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Қурилишни жадаллаштириш пойдеворсозликдан бошланади. Республикамизда йилига пойдеворсозликка кетаётган маблағ (гидротехник иншоотларни ҳисобга олмаганда) 300 миллион сўмни ташкил этади. Бу соҳа эҳтиёжлари учун йилига 3,1 миллион кубометр бетон ёки қурилишда сарфланаётган бетоннинг 22-25 процентн, 130 минг кубометр тош материаллар, 800 минг тонна цемент, 150 минг тонна металл, 150 минг кубометр ёғоч ва 850 минг тонна ёқилғи-энергетика ресурслари ажратиляпти.

Ўзбекистонда бино ва иншоотларнинг ер ости қисмини қуриш қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Бунга сабаб қурилиш учун носоз тупроқ, инженерлик-геологик (кенг тарқалган чўкувчан ва сувга тўйинган тупроқлар, шўр тупроқлар, ер ости сувларининг баландлиги) ва 9 баллгача етадиган сейсмик шароитларнинг биргаликда мавжудлигидир. Шу сабабли бино туби — заминни тайёрлаш ва пойдеворлар қуриш оддий ҳолларга нисбатан кўп маблағ талаб этади, у қурилиш умумий таннархининг 12-15 процентини ташкил қилади.

Юқорида келтирилган рақамлар шуни кўрсатиб турибдики, бинонинг замини ва пойдеворларини қуриш, унга ажратиладиган катта маблағни тежамли сарфлаш, қурилиш муддатини қисқартириш тобора муҳим аҳамият касб этяпти. Бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги, эксплуатация қилишдаги барқарорлиги ҳамда эстетик кўринишининг сақланиши кўп жиҳатдан замин ва пойдеворлар қай даражада мустаҳкам қурилганлигига боғлиқ. Пойдеворнинг мустаҳкамлиги масаласи республикамизнинг сув таъсирида чўкадиган ёки намлиги ошса юк кўтариш қобилияти 10-15 мартагача камаядиган жойларида, бунинг устига зилзила ҳам таъсир қилиб турадиган районларда алоҳида эътиборга олиниши керак.

Бу муаммоларни ечишда ота-боболаримиз архитектура ёдгорликларини бунёд этишда қадимдан, зукколик билан тупроқни шиббалаб зичлашган. Аксари тупроқни сувга шимдирган ҳолда чўктириб зичлашган. Бундан ташқари биноларнинг баландлигига қараб пойдеворнинг чуқурлиги ва эни белгиланган. Шунинг учун ҳам тупроқни сувга бўктириб зичлаш бинокорликда «ўзбек халқ усули» деб тан олинган. Хуллас, замин ва пойдеворларни мустаҳкамлашга азалдан катта эътибор қилинган. Бизнинг давримизгача сақланиб келган тарихий-архитектура ёдгорликлари шундан далолат бериб турибди.

Пойдеворсозликда ҳозирги мавжуд аҳвол қандай? Тадқиқотлар ва изланишлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда, жумладан республикамизда тупроқлар механикаси, пойдеворлар ҳисоби назариясини яратишда катта муваффақиятларга эришилган. Афсуски, замин ва пойдеворлар қуришнинг қўлланилаётган методлари амалда ҳозирги замон фан-техника тараққиёти талабларига жавоб бермаяпти. Пойдеворсозликда қўлланилаётган конструкциялар 20-30 йил олдин ишлаб чиқилган методлар билан тайёрланяпти. Бу ўз навбатида иш самарадорлигини, меҳнат унумини умуман ошираётгани йўқ. Ер ости ишларини бажариш, республикада граждан-саноат объектларини тиклаш улар умумий қурилиш давринг 20-25 процентини ташкил қилмоқда. Лойиҳачилар эса эскириб кетган, ҳаммага маълум замин тайёрлаш методларини ва пойдевор конструкцияларини қўллашаётир. Янги ихтиролар, самарали метод ва конструкциялар уларнинг эътиборидан ҳали ҳам четда қолмоқда. Улар республика қурилиш ташкилотлари ихтиёридаги махсус машина-механизмлар, янги методларни қўллашмаяпти.

Қурилиш ташкилотлари бўлса фақат лойиҳада кўрсатилганинг ўйлайдилар. чан ва сувга тўйинган тупроқлар учун қурилиш нормалари талаб қиладиган қўшимча маълумотлар оз. Кўп жойларда инженерлик-геологик ишларни лойиҳа институти қошидаги кичик, асбоб-ускунаси етарли бўлмаган лабораториялар бажармоқда. Натижада лойиҳачилар зарур маълумотларни етарли олишмаяпти. Лойиҳада ё хатоликка йўл қўйилади, ёки лойиҳадаги смета нархи ортиб кетмоқда. Ахир 1 тип чўкувчан тупроқ билан II тип тупроқда бино пойдевори қуриш қиймати икки марта ошиши ёки камайиши мумкин. Хатоликка йўл қўйилган тақдирда бино мустаҳкамлигига жиддий путур етади.

Бунга Андижон шаҳрида қурилаётган нашриёт биносининг газета корпуси лойиҳасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Инженерлик-геологик қидирув ишида хатоликка йўл қўйилган. Аслида I тип чўкувчан тупроқни II тип ўта чўкувчан деб лойиҳачиларга топширилган. Натижада замин ва пойдевор қуришдаги 120—130 минг сўмлик иш 340 минг сўмга тушиб қолган.

• *Бинокорлик муаммолари*

ҲАММАСИ ПОЙДЕВОРДАН БОШЛАНАДИ

Пойдеворсозликда янги техникани жорий этиш ишларига ижодий ёндашилмаётир, лойиҳанинг қули бўлиб қолинмоқда. Чунки улар учун иш ҳажми катта бўлса бас. Бу — смета қийматини ошириб юбориш, асосан қурилиш-монтаж ишлари планларини бажаришга интилишдан иборат бир ёқлама иш тутишдир. Бундан ташқари, республика капитал қурилишида катта иқтисодий самара келтирадиган методлар ва конструкцияни жорий этиш имконини берадиган замонавий машина-механизмлар йўқ ҳисоби.

Лойиҳалашда яна бир чекланганлик бор. Кўпгина лойиҳаларда тупроқ чўкувчанлигига қарши бино конструкциясига қўшимча тадбирлар тўла ҳисобга олинмаяпти. Бунда улар зилзилага бардошли бинолар чўкишдан ҳосил бўлган деформацияларга чидамли бўлади, деб хато ўйлайдилар. Натижада тупроқ чўкишидан ҳосил бўлган деформациялар оқибатида Тошкентда, Чирчиқда, Олмалиқда ва бошқа шаҳарларда жуда кўп уйлар авария ҳолатига тушиб қолган. Авариягa тушган уйнинг ремонти қўшимча маблағ талаб қилади. Маблағдан ташқари уйдан фойдаланувчилар хавфсизлигини, ремонт ташвишларини ҳам ўйлаш керак.

Бинонинг мустаҳкамлиги, пойдевор лойиҳасидаги смета қиймати кўп жиҳатдан геологлар берган маълумотларга боғлиқки, мулоҳаза юритилаётган муаммони ҳал этишда бу жуда муҳимдир. Талай лойиҳаларда инженерлик-геологик изланиш далиллари етарли эмас. Чўкувлик қилиб белгиланди. Яхшиямки, бир қанча мутахассис ва буюртмачининг ташаббуси билан хатолик аниқланди ва лойиҳага тузатиш киритилди.

Бинонинг замини ва пойдевори ер остида қолиб кетадиган конструкциялардир, албатта. Бироқ бу ишларнинг сифатини бино қурилгандан кейин билиш қийин. Бино заминини сифатли тайёрлашда қурувчилар сидқидилдан ишлашлари талаб этилади. Лойиҳада кўрсатилган тупроқ зичланиши ва чўкувчанликка қарши конструктив тадбирлар қурилиш нормаларига тўла жавоб бериши лозим. Афсуски, қатор объектларда тупроқни шиббалаш ёки тупроқдан зичланган ётқизиқлар зичлашда иш сифатига бепарво қаралмоқда. Бино заминининг чўкишига кўп ҳолларда бузилган водопровод ёки канализация қувурларидан чиқадиган сув сабабчидир.

Бу каби камчиликларнинг олдини олиш мумкин. Ишнинг ҳар босқичида буюртмачи назорати қатъий ўрнатилиши, талабчанлик ошириши керак. Муҳими, қурувчиларнинг лойиҳадан четга чиқишларига йўл қўймаслик зарур. Бу иш сифатининг гаровидир. Ер остида қолиб кетадиган ҳар бир замин ва пойдевор яратиш иши лойиҳачи, геолог ва буюртмачи вакилларидан иборат комиссия тузган акт орқали ҳужжатлаштирилиши талаб этилади.

Ҳозирги вақтда СССР Госстройининг Бутуниттифоқ пойдевор ва ер ости иншоотлари илмий-тадқиқот институти ходимлари Ўзбекистон қурилиш материалларининг хассислари билан ҳамкорликда чўкувчан ҳамда сувга тўйинган соз (лёсс) тупроқларда юқори самара берадиган, чидамли замин-пойдевор барпо қилиш методлари, технологияларини яратишган. Янги методларнинг баъзилари қурилишда татбиқ қилинганда салмоқли иқтисодий самара берди. Бу йил эса янги методлар Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг ишлаб чиқариш биноси қурилишида татбиқ этилди. Қиймати 304 минг сўм бўлган лойиҳа-смета 156 минг сўмга арзонлашди. Олинган иқтисодий самара эса шартномада келишилган қурилиш баҳоси талабига кўра, бу усулни татбиқ қилишда иштирок этган ташкилотлар ўртасида тақсимланади. Бу юқори самара бераднган иш хўжалик ҳисобига ўтган ташкилотлар учун қай даражада зарурлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Бироқ янги усулларни жорий этиш жуда секин ва катта қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, бунга махсус машина-механизмлар танқислиги билан бирга, республикада пойдеворсозлик бўйича ихтисослашган ва тажрибали инженер-техник ходимлар етишмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Лойиҳачилик институтларида замин ва пойдеворларни фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда лойиҳалайдиган етук мутахассислар жуда кам. Қурилиш ихтисослиги бўйича инженерлар тайёрлайдиган республика олий ўқув юртларида тупроқ механикаси, замин ва пойдеворлар курсига ажратилган ўқув соатлари кам. Лаборатория асбоб-ускуналари етарли эмас. Марказий ўқув юртларидагидек иш тутилмаяпти, яъни махсус пойдеворсозликка ихтисослашган мутахассисликда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмаган.

Партия XXVII съездининг капитал қурилиш соҳаси олдига қўйган талаблари асосида республикамизда пойдеворсозлик масалаларидаги муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор зарур. Пойдеворсозликда орқада қолишнинг олдини олиш ва уни юқори погонага кўтариш бугунги кунда ўткир масала бўлиб қолмоқда. Бунинг учун янги, замонавий пойдеворсозликнинг модий-техника базасини яратиш, кўп қуриладиган биноиншоотларнинг типовой лойиҳаларини яратиш прогрессив усулларини кенг қўлланиш зарур бўлади. Электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида муқобил лойиҳа ечимларини ҳал этишга ўтиш, лойиҳаларнинг сифатини яхшилаш, пойдеворсозликда эришилган фан-техника ютуқларини кенг татбиқ қилиш, шу мақсадда ташкилий-иқтисодий омилларни вужудга келтириш керак. Айни пайтда илмий-техника программалари ва концепциялари асосида аниқ мақсадга қаратилган тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари, қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилардан иборат республика координация марказини ташкил этиш масаласи ҳам пишиб етилди.

М. СОДИҚОВ,
«Узстроймеханиз а ц и я » трести бошқарувчисининг ўринбосари.

Қ. ЖУМАЕВ,
трест бош инженерининг ўринбосари, техника фанлари кандидати.

Дунё овози

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

✦ НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик Кенгаши бу ерда бўлиб ўтган мажлисида БМТ ҳарбий кузатувчиларининг Эрон-Ироқ группасини ҳеч кечиктирмай таъсис этишга қарор қилди. Бир овоздан қабул қилинган резолюцияда қайд этилишича, бу группа агар кейинчалик Хавфсизлик Кенгаши бошқача қарор қабул қилмаса олти ой муддатга тузилади. Резолюцияда БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльярнинг қарийб 350 кишидан иборат кузатувчилар шу группаси мандати тўғрисидаги доклади маъқулланади. Мана шу кишилар ўт очишни тўхтатишнинг келишилб олинган чизиқларини белгилашлари, унга риоя этилишини кузатиб туришлари, эҳтимол тутилган ҳар қандай бузишларни тафтиш қилишлари, шунингдек Эрон билан Ироқ кучлари халқаро жиҳатдан эътироф этилган чегараларга олиб кетилгунга қадар тарки тошган аҳволнинг бирон-бир тарзда ўзгартирилишининг олдини олишлари лозим. Иккала томон қўшинларини чекинтириш чоғида кескинликни камайтириш мақсадида ана шу кузатувчилар зиммасига бошқа бир қанча мажбуриятлар ҳам юкланади.

ДЕҲЛИ. Ўтган кунлар мобайнида Ҳиндистондаги Панжоб штатининг турли районларида тинч аҳолидан саккиз киши ҳалок бўлди, деб хабар қилади ЮНИ ва ПТИ ахборот агентликлари. Штат полицияси ва ҳавфсизлик кучлари террорчиларни зарарсизлантириш мақсадида жадал операциялар ўтказмоқдалар. Хошиёпур округида полиция «Бхиндранвале йўлбарслари» деб аталган энг катта экстремист гуруҳлардан бирининг ўн нафар аъзосини қўлга туширди. Улар Хошиёпур шаҳрида йирик қўпорувчилик ишини амалга оширмоқчи бўлишган. Кўп миқдордаги ўқ отиш қуроллари ва ўқ-дорилар улардан тортиб олинди.

* * *

Ҳиндистон пойтахти маъмурлари шаҳарда бундан бир ой илгари пайдо бўлган хатарли вабо касаллигини тарқатмаслик ва уни тугатиш юзасидан актив чораларни кўрмоқдалар. Шу вақт ичида деҳлилик 264 киши бу дарддан ҳалок бўлди, вабога ва жиддий ошқозон-ичак касалликларига чалинганларнинг умумий сони 24 минг кишига етади.

АММОН. Исроил маъмурлари фаластинликларнинг Шарқий Қуддусда нашр этиладиган «Ал-Фажр» газетасини ёпиб қўйдилар. Газета редакциясига босиб олинган территорияларда ҳукм сураётган Исроил тартибларига зид мақолаларни эълон қилди, деган бир қолипдаги айб қўйилди. Газета икки ҳафтага ёпиб қўйилди. Исроил Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилида арабларнинг матбуот органларига ва фаластинлик журналистларга қарши муттасил жазо чораларини қўллаб келмоқда.

(ТАСС).

ЭРОН—ИРОҚ:

УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎХТАТИЛДИ

БАҒДОД, 10 август. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлиги кеча фронтда уруш ҳаракатларининг бориши тўғрисида навбатдаги маълумотни эълон қилмади. Саккиз йил муқаддам Эрон—Ироқ қуролли можароси бошланганидан буён биринчи марта шундай бўлди.

НИКОСИЯ, 10 август. (ТАСС). ИРНА агентлигининг хабар қилишича, Эрон ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари ўтган суткада Форс ва Ўмон кўрфазлари устида разведка мақсадида парвоз қилган. Ҳарбий-денгиз флотининг бўлинмалари Эронга қарашли ороллар ва денгиздаги нефть иншоотларини қўриқлаб турган.

Бу ерда қабул қилинган Теҳрон радиоси эшиттиришида «халқаро миқёсда тан олинган чегараларни мудофаа қилиш» учун кўнгиллилар фронтга жўнатилгани хабар қилинган.

БМТ кузатувчиларининг дастлабки группаси Теҳронга келди, группа аъзолари Эрон-Ироқ фронтида ўт очишни тўхтатиш жараёнини назорат қиладилар. ИРНА агентлигининг хабар беришича, улар бошқа кузатувчилар келиши учун замин ҳозирлаш мақсадида Эроннинг мансабдор шахслари билан музокаралар олиб борадилар.

«ЯНГИ БОЗОР» САРИ

Яқинда Ганноверда Европа иқтисодий ҳамжамиятларининг давлат ва ҳукуматлар бошлиқлари даражасида навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. У бундан аввал февраль ойида Брюсселда ўтган кенгаш мажлиси каби фавқулодда эмас эди. Лекин унисида ҳам, бунисида ҳам кўрилган асосий масала — «Умумий бозор» доирасида интеграция жараёнларини жадаллаштириш масаласи бўлди.

Ўн икки давлат ва ҳукумат бошлиқлари энг аввало 1992 йилга бориб Европа иқтисодий ҳамжамиятларининг «ягона ички бозор»ни тузиш ниятини тасдиқладилар. Бу — ҳамжамиятлар бутун территориясида ҳўжалик фаолиятининг шартлари бир хил бўлишини, айрим давлатларнинг Европа иқтисодий ҳамжамиятлари миллий системаси фойдасига ўз вазифалари анчагина қисмидан воз кечишини билдиради.

ГФР концернлари «ягона бозор» учун курашнинг олдинги маррасида турибди. Яқинда немис саноати федерал бирлашмаси ишлаб чиққан «Европа сиёсати бўйича меморандум»да шундай дейилган: «Европа бозорини тузиш бозор — хўжаликда олдинга чиқишда, корхона эгаларига шароитларни яхшилаш ва юксалишни жадаллаштириш учун катта имкониятлар беради».

Янги қўламларни чоғлаётган Ғарбий Европа мамлакатларининг йирик корхоналари, банклари, суғурта компаниялари кооперациялашмоқда, бир-бирига қўшилмоқда, ўзгалар акцияларини сотиб олмоқда. Хуллас, куч тўпламоқда ва уни синаб кўришмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 915 та йирик қўшилув ва бир корпорациянинг бошқа корпорация капиталида иштирок этиши ҳоллари қайд этилган.

«Янги бозор» ягона валюта-молия системаси негизида иш кўриши лозим. Шунинг учун Ганноверда Европа иқтисодий ҳамжамиятлари доирасида иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш ва ягона пул бирлигига ўтиш муаммоси ҳам муҳокама этилди. М. Тэтчернинг эътирозларига қарамай, сессиянинг кўпгина қатнашчилари бу ғоянн қўллаб-қувватладилар.

Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Ганноверда қабул қилинган тадбирлар далил бўлгани йўқ. Экологик тозалик учун қатъиятлик кўрсатаётган ГФР бу масалада учрашув бошқа қатнашчиларининг «миллий худбинлиги»га дуч келди.

Хўш, социал масалалар қандай ҳал этилади, ахир, «ягона бозор» доирасида ишчи кучларининг «тўла эркин» ҳаракати ўз моҳиятига кўра 12 мамлакат учун ягона бўлган ишсизлар армиясини яратмайдими? Шу хусусда Ганноверда кўп гап айтилди. Режалаштирилаётган жами тадбирлар ишсизлик даражаси кўпайишига олиб бормаслиги керак, деб айтилди. Инглиз томони эса йириклаштирилган бозор киш билан таъминлашни рағбатлантириш ва фаровонликни оширишга яхши замин» яратиш лозим, деган қўшимчани ҳам киритди. Европа иқтисодий ҳамжамиятлари экспертларининг тасдиғича кўра, «ягона бозор» гўёки 3 миллиондан 5 миллионга қадар ишчи ўрнини яратармиш.

Нима ҳам дейиш мумкин, режалар умидбахш, лекин реалликдан жуда олисда. Маълум бўлишича, «Филипс» концерни яқин йиллар ичида ўзининг Ғарбий Европадаги 180 корхонасидан 60 тасини ёпишга қарор қилган. Бу ягона меҳнат бозорига камида 20 минг ишсиз чиқариб ташланишини билдиради.

В. КРАСНОКУТСКИЙ,
АПНнинг ўз мухбири. Ганновер—Бонн.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШҚАРМАСИ:

— Андижон шаҳрида яшовчи Р. Холиқовнинг Чинобод кўчасида жойлашган магазинда спиртли ичимликларни сотишда савдо қоидалари бузилаётганлиги тўғрисидаги хати текширилди. Бунда мазкур магазин сотувчиси А. Калафатов харидорлар ҳақига ҳиёнат қилаётганлиги фактлари аниқланди.

Андижон шаҳар озиқ-овқат савдоси идораси бўйича чиқарилган буйруққа мувофиқ, магазин сотувчиси А. Калафатовга ҳайфсан берилиб, ўн учинчи маошдан маҳрум этилди. Етарли назорат ўрнатмаганлиги учун магазин мудири Л. Ҳамидовага ҳайфсан эълон қилинди.

ЧИРОҚЧИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги Ленин номли колхоз аъзолари хатида келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. Ўшбу хат район партия комитети бюроси мажлисида муҳокама қилинди.

«Хотира куни»ни ўтказишда қўпол сиёсий хатога йўл қўйганлиги, колхозчилар ўртасида маънавий психологик вазиятни яхшилаш чора-тадбирларини кўрмаганлиги учун колхоз правлениеси раиси, КПСС аъзоси М. Бойхоновга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Колхоз партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш вазифалари топширилди.

Бу ҳайдаган сурувларим —эл давлати

(ИСЛОМ шоир)

ПАШОТ ДЕЛЕГАТИ

● Замондош портретига чизгилар

СОВХОЗ КЛУБИ БУГУН ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга партком аъзолари, 120 дан зиёд коммунист, 100 дан ортиқ партиясиз йиғилган.

Улар КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясига юбориш учун муносиб номзод белгилаб, коммунистлар муҳокамасига ҳавола этадилар.

Партком секретари йиғилишнинг кун тартибини эълон этганда, иккинчи бўлим бошқарувчиси Аҳад Аҳмедов сўз олди. Унинг сўзи қисқа ва аниқ бўлди. Москвада бўладиган улкан анжуманга совхознинг илғор чўпони Ғаффор Обидовнинг номзодини айтганда, залдагилар қарсак чалиб юборишди.

— Ғаффордан муносиброқ номзодни тополмасак керак, — деди нотиқ. Чунки у ўзининг меҳнати билан кимлигини кўрсатган, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга амалий ҳисса қўшяпти. Энг муносиб вакил. Яхши дўст, меҳрибон инсон.

Ғаффорнинг номзодини муҳокама этишда ўртоқлари унинг ютуқларини тўлқинланиб тилга олдилар, камчиликлари ҳақида ҳам жим қолмадилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор, коммунист Ҳаким Тошев айниқса, тўлиб-тошиб гапирди:

— Ғаффоржон ҳақиқатан ҳам совхозимизнинг фахри. Чорвачилик илми унга ота мерос. Отаси 50 йилга яқин умрини чўпонликда ўтказган, Улуғ Ватан урушининг инвалиди. Ҳозир ҳам ёшлар билан бир сафда қадам ташлаётган Ашур отани ким танимайди? Ким у билан фахрланмайди? Ғаффорнинг юзи ҳаяжондан қизарган, отаси ҳақида айтилаётган илиқ гаплардан ифтихор туйғуларига тўлиб ўтирарди. Бирин-кетин сўзга чиққанлар Ғаффор Обидовнинг иш фаолияти, шахсий ҳаёти, меҳнатдаги ютуқлари ҳақида тўхталдиларнинг район слётида ҳам ўз орзусини очиқ-ойдин айтди. Тенгқурларини ҳам чўпонлик касбини эгаллашга чақирди. Бундан ота ҳам бехад хурсанд. Ўғлининг ота касби — чўпонликка меҳр қўйгани унга ички бир қаноат ва мамнуният бахш этарди. Ўғлига чўпонлик илмини меҳр билан ўргатди.

Тинимсиз қилинган меҳнат самара бермай қолмади. Ёш Ғаффор чўпонлик меҳнатининг гашти ва сурури билан маст эди. Меҳнат ва бахт эгизак бўлади ҳамиша. Кенг яйловларда қўшиқ йўқ, ёр-ёр айтилмайдиган ёр қолмади. Ғаффор ҳаммага ёқадиган, ҳаммани ўзига тортадиган йигит эди. Ҳаётда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳар қандай қийинчиликни енгишга ишонган йигит эди. Ҳаётда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳар қандай қийинчиликни енгишга ишонган йигит эди. Ҳаётда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳар қандай қийинчиликни енгишга ишонган йигит эди.

Ғаффорнинг бригадасида кўлчи-зооинженер ихтисоси бўйича Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг 5-курсида ўқийди. Тинимсиз мутолаа, ўз ишини илмий асосда ташкил этиши Ғаффорнинг кундалик ташвишларидан бири — севимли машғулоти.

Унинг кўксида учинчи ва иккинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари порлаб турибди. 1981 йилда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин медалини олишга муваффақ бўлди.

Ғаффорнинг бригадасида куни Ашур бобо, — шу Кенгсойга кўчак нима дейсан. Мол ҳам тинч, биз ҳам тинч бўлардик. Оворагарчиликлар ҳам бўлмасди.

— Маъқул ота, — деди Ғаффор. — Отарнинг ўзида яшасак унга нима етсин. Мол доим кўз ўнгимизда бўлади.

Шу тариқа бу чорвадорлар онлаги Ғозғон посёлкасидан 20 километр шимолга Пашот тоғининг этагидаги Кенгсой массивига кичик бир уй қуриб, кўчиб кетишди. Ҳозир ота танлаган бу жойни таниб бўлмайди. Совхоз худди шу ернинг ўзига қўра қиргинг келади. Бунинг устига бу ерда бир гектардан ортиқ чорбог, дарахтзор ҳам барпо этилган.

Албатта, бу ишларни Ғаффорнинг бир ўзи қилмади. Унга ёру-дўстлари, оғайнилари ёрдамлашди.

Ҳозир отарда 1700 бош қўй бор. Ашур бобонинг келини Бибишабона ёрдамчи чўпон, куёвлари Жўрақул Саломов механизатор, Қаҳрамон Рамазонов сувчи. Улар экинларни парвариш қилишади. Ҳамма ишга Ашур отанинг ўзи бош-қош. Барча муаммо унинг маслада бор имкониятлардан фойдаланмайди? Нега ҳали ҳам кўпчилик раҳбарлар ерни, чорвани ижара пудратига беришни истамайди. Мен ўз тажрибамдан аминманки, ижара пудрати — энг тўғри йўл. Бу йўлдан қўрқмай бориш керак, — дейди ҳамроҳим қатъий қилиб.

У айниқса, «қўрқмай» сўзини чўзиб, урғу берган ҳолда таъкидлаб гапирди. Шу тобда унинг дилида гаплар, режалар навбат кутиб турганини сезиш қийин эмасди.

— Ахир, ўзингиз ўйланг, — сўзида давом этади у, — бир вақтлар билган ишимизни қилишга ҳайиқиб турардик. Қўй зоти бузилиб бораётганини кўриб турсак ҳам тўхтовсиз СЖК дан фойдаланардик. 100 бош қўйдан 200-250 талаб қўзи олган йилларимни кўз олдимга келтирсам, аламдан титраб кетаман. У қўзиларда на тери, на гўшт бўларди. Қўзи очилмай кўпчилиги қирилиб кетарди. Кўрсаткичлар, рақамлар ортидан қувиб, шу ишни қилишга мажбур бўлардик. Ҳозир давр бошқача. Чуқурроқ фикрлаш ҳам, ишни мустақил ташкил этиш ҳам ўзингга боғлиқ. Фақат жамоат мулкига ачин. Уни ўзингники деб бил. Ўзинг унинг эгаси бўл. Уни кўпайтир, яхшила. Ҳозир талаб шу.

Шу аснода Қалқонота посёлкасига келиб қолибмиз. Ғаффор хайрлашиб, сутранг «Волга»га газ берди. Машина шитоб билан илгарилаб, Нурота йўлида дашт қўйнини ёриб илгариларкан, у кўринмай кетгунча кузатдим. Кузатарканман, Ғаффорнинг жуда текис ва равон йўлга тушиб олгани, бу йўл келажакда уни порлоқ истиқбол сари олиб боришига яна бир карра ишончим ҳосил қилдим. Бекорга уни Пашот лочини демас экан ҳамқишлоқлари. Пашот лочини — Пашот делегати.

Қилич ТЕМИРОВ.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЧЕКАНКА ТУГАДИ

● Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг уста пахтакор Юсуфжон Отабоев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси районда биринчи бўлиб ғўза чеканкасини тугатди. Шу кунгача пайкалларда беш марта сифатли культивация ўтказишиб, ниҳоллар уч марта озиқлантирилди. Чеканка вақтида ўтказилишида механизатор, интернационалист жангчи — Азизилло Шариповнинг улуши катта бўлди. У кунига 9-10 гектар ердаги ғўзани чеканка қилди.

Бригаданинг Хайитхон Шерматова, Лолахон Абдураззоқова, Солияхон Рўзиева, Мавлуда Отабоева, Санобархон Сайназарова сингари илғор комсомоллари чеканкада фаол иштирок этишди. Йўлдошмирза Эргашев, Жўрабой Матисмоилов, Хайитбой Тўланов, Тожиддин Қурбонов каби уста сувчилар сув тарашни икки сменада ташкил этишиб, ниҳолларни қондириб суғормоқдалар. Ҳозир бригада далаларидаги ҳар туп ғўзада 7-8 тадан бўлиқ кўсак ва кўплаб ҳосил тугунчаларини кўрасиз. Бригада коллективи бу йил 112 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан аъло навли хом ашё етиштириш учун ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқда.

М. АБДУҚОДИРОВ.

ШАРБАТ УСУЛИДА

● Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхози пахтакорлари ўтган хўжалик йилида 1460 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 34 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил олган эдидар. Ҳосилдорликнинг ортишида ғўзага шарбат суви оқизиш яхши самара берди.

Бу йил эса 1460 гектар ерга «АН-60» навли чигит экилиб, яхши парваришланмоқда. Ҳар туп ғўзада 15-20 тадан бўлиқ кўсак санош мумкин.

Бу иш колхознинг А. Бўстонов, С. Маҳкамов, О. Раҳмонов бошлиқ бригадаларида айниқса намунали бажарилмоқда. Илғор механизаторлар — М. Бекматов, Ш. Валиев, Х. Нурматов, сувчилардан — А. Юнусов, М. Раҳмонов, Х. Маҳмудовлар мусобақада пешқадам.

Колхоз аҳли бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга ҳаракат қилмоқда.

М. ДАВРОНОВ.

Агросаноат хабарлари

Хашак жамғариш қизғин

● Қўшработ райони чорвадорлари жорий йилда қишловга етиб ортадиган озуқа базасини яратиш учун курашмоқдалар. Районда ҳозир ем-хашак жамғариш ишлари қизғин. Кунига 500-370 тонна ем-хашак тўпланмоқда. Йиллик планда белгиланган 40079 тонналик озуқанинг 90 процентни жамғариб бўлинди. Бу борада планни 128 процент адо этган Свердлов номли совхоз озуқакорлари олдинда боряпти. Шунингдек, «Коммунизм» ва Киров номли совхоз меҳнаткашлари ҳам мусобақада пешқадам.

Район хўжаликларида хашак жамғариш давом этмоқда.

А. НОРБОЕВ.

Дон ҳам бўлади, озуқа ҳам

● Пудрат усулида ишлаётган «Москва» колхозининг Жўрақул Тўқсонов бошлиқ онлавий звеноси аъзолари 20 гектар ерга экилган маккажўхорини меҳр билан парваришламоқдалар.

Коллектив бу йил 1100 тонна «қаҳрабо» дон етиштириб, 600 тонна силос бостиришга аҳд қилган. Деҳқон меҳрига қонган экинлар сифатли озиқлантириш ва суғоришдан сўнг серҳосил бўлиб ўсмоқда. Ҳар бир туп маккажўхорида ҳозироқ 3—5 тадан тўқ сўта санаш мумкин. Бу — хўжаликда дон ҳам, озуқа ҳам мўл бўлишидан далолат.

С. ХОЛИҚУЛОВ.
Самарқанд область, Пайариқ райони.



Бойсун районидаги «Дербент» совхозида кейинги йилларда отчиликни ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Бу борада онла пудрати ва чек системаси қўлланилаётганлиги яхши самара келтирмоқда. Масалан, тажрибали отбоқар Жума Бойматов ва Карим Мустафоқуловлар онлавий звеноси айни кунларда 104 қорабайирни меҳр билан парваришлаётирлар.

Онлавий звено коллективи тежамкорлик режимига амал қилиб, отлар учун хўжаликдан ортиқча озуқа олмайдилар. Улар озуқани ўзлари тайёрлайдилар. Натижада улар кўплаб маблағни тежаб қолдилар.

Суратда: совхоз ветеринария врачи Р. Азимов (ўртада) ва зоотехник А. Кенжаев (ўнгда) Карим Мустафоқуловга маслаҳат бермоқдалар.

В. Лешченко фотоси. (ЎзТАГ).

● *Газетхонлар диққатига!*

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойларида бўлаётгани каби республикамизда ҳам 1989 йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилиш кампанияси қизғин давом этяпти. Ана шу кампанияни тез ва соз ўтказиш, одамларнинг қимматли вақтларини тежаш мақсадида «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ўз ўқувчилари учун тайёр обуна варақасини саҳифада босиб, тарқатишни лозим топди.

Газетхон бу билан ҳам вақтдан ютади, ҳам обуна варақаси ялашдан қутилади. Бунинг бошқа бир фойдали томони шундаки, обуна варақаси учун ишлатиладиган қоғоз тежалади. Энг муҳими, «Союзпечать» агентликлари ва алоқа бўлимларида расмийлаштириладиган обуна варақаси тайёр ҳолда газетхонга етиб боради. Уни қайчи билан қирқиб, керакли ўринни тўлғазиш учун бор-йўғи икки минут вақт кифоя қилади.

Обуначи газетхон ўртоқ! Қулай имкониятдан ўз вақтида фойдаланинг!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ ТЎЛҒАЗИШДА ҚАЙСИ ОЙЛАР УЧУН ГАЗЕТА ОЛИШИНГИЗ ҲАҚИДА РАҚАМЛАР ОСТИГА «Х» БЕЛГИСИ ҚЎЙИШНИ УНУТМАНГ!

РЕДАКЦИЯДАН: Мабодо жойларда обуна варақаларини расмийлаштиришга монелик қилинса, дарҳол «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясини огоҳ этишларингизни илтимос қиламиз.

✦ Азиз газетхонлар! «Совет Ўзбекистони» газетасининг обуна баҳосини унутмадингизми?! Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 80 тийин, ярим йилга — 3 сўм 90 тийин, уч ойга — 1 сўм 95 тийин.

✦ Газета обуначиларнинг уйларига элтиб берилади.

✦ Келгуси — 1989 йил учун «Совет Ўзбекистони»га чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади. Уйлаймизки, бу муҳим кампанияда Сиз ҳурматли газетхон ҳам четда қолмайсиз.

Газетамиз Сиз талабчан газетхонларнинг қимматли маслаҳат ва таклиф-мулоҳазаларига таянган ҳолда иш кўради. Қуйидаги анкета саволларига жавоб ёзиб юборишларингизни илтимос қиламиз:

1. «Совет Ўзбекистони» газетасини қачондан бери ўқиб борасиз?

2. Газетада бослаётган қайси материаллар Сизга манзур бўлаётир?

3. Сиз қандай мавзулар кўпроқ ёритилишини истайсиз?

4. Қандай муаммоларга кўпроқ ўрин берилишини лозим, деб ҳисоблайсиз?

Конверт устига «АНКЕТА» деб ёзишни унутманг!

КЕСИБ ОЛИНГ ВА ТЎЛДИРИБ ЮБОРИНГ!

Ф .СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64583 "Совет Ўзбекистони" (индекс издания)

(наименование издания) Количество комплектов:

на 1989 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда

(почтовый индекс) (адрес)

Кому

(фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. место литер на газету 64583 (индекс издания)

"Совет Ўзбекистони"

(наименование издания)

Стоимость подписки — руб. ___ коп. Количество комплектов

перадресовки — руб. ___ коп.

на 1989 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда

(почтовый индекс) (адрес)

Кому

(фамилия инициалы)

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚУЛАЙЛИКДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

● *Мақоламизни ўқиб*

«МАЛАКАЛИ ИНЖЕНЕРЛАР КЕРАК, АММО...»

Мазкур мақола газетамизнинг шу йил 14 май сонида босилган. У қўпчилик эътиборини тортди. Газетхонлар бу мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Масъулиятни ҳис этиб

Инженер кадрлар бизнинг келажагимизни белгилайдиган омиллардан биридир. Қайси бир давлатнинг инженер кадрлари мукаммал билимга эга бўлса, ўша давлатда техника тез ривожланади. Мақолада кўтарилган барча масалалар тўғри ва долзарбдир. Мактабларда нормал ўқитиш жараёнини амалга ошириш, ўқувчиларга жамоатчилик асосида олимларимизнинг методик ёрдам кўрсатишларини йўлга қўйиш орқали мақсадга етиш мушкул. Чунки бу тадбирлар асосан мактаб ислоҳотига боғлиқ.

Бу муаммони тезда ҳал қилиб бўлмайди, аммо халқ хўжалигига юқори малакали инженерлар бугун керак. Бизнингча, биринчи галда ўқитувчининг юксак обрўйини тиклаш ва унга ўз ҳуқуқларини қайтариб бериш лозим. Акс ҳолда мактабда ислоҳот бўлмайди.

Область ўқувчилари учун асосан тайёрлов курслари орқали студентликка йўл очилиши лозим. У ердаги ўқувчиларнинг сони 3-4 марта ортиши керак. Фақат шу йўл билан уларни институтга киришга тайёрлаш мумкин. Бундан ташқари мактабни олтин медаль билан битирган ўқувчилар институтларга имтиҳонсиз, кумуш медаль билан битирганлар эса фақат бир имтиҳон билан қабул қилинишни лозим. Агар ўқувчиларда стимул бўлмас экан, интилиш ҳам бўлмайди. «Бошқача» йўллар қидира бошланади. ТИИИМСХда олиб борилаётган тажриба бошқа институтларда ҳам кенг йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Энди асосий мақсадга ўтайлик: халқ хўжалиги учун юқори малакали кадрларни бугун тайёрлаш муаммосини ҳал қилишнинг илмий асосланган йўллари борми? Бунинг учун ички резервларни ишга солиш керак. Шу соҳада институтимизда амалга оширилаётган айрим тажрибалар устида тўхталиб ўтмоқчиман. Институт қатор кафедраларида келажак мутахассисларининг билимини ошириш устида тинмай изланиляпти. Кўплаб реал ва бўюртма диплом лойиҳалари амалга оширилмоқда. УПНЦ (ўқув-ишлаб чиқариш илмий маркази) ишлаб турибди. Кўпгина дарслар ишлаб чиқариш билан ўзвий боғлиқ равишда олиб борилмоқда. Студентлар конструкторлик-лойиҳалаш бюроси ҳам ўз ишини янгича ташкил қиляпти. Ишлар хўжалик шартномаси асосида олиб бориляпти.

Олий таълимни қайта қуриш учун аввало, ўқиш жараёни ишлаб чиқаришга яқинлаштирилиши лозим. Фақат ўқув лабораторияларида бу мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун автомобилларни ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш кафедрасида ўқув жараёнини янгича ташкил қилдик. 1987/88 ўқув йилидан бошлаб шу ихтисосдаги студентлар IV курснинг охири ва V курс давомида ҳам ишлаб, ҳам ўқидилар. Практика ва иш жараёни авторемонт заводларида амалга оширилди. Бунинг учун студентлар иш ҳақи ҳам олади-лар. Қувончлиси шуки, студентлар иш даврида автомобилларни ва двигателларни ремонт қилиш, синаш усулларини мукаммал ўрганиб чиқдилар. Ўқув жараёни ҳам қисқартирилган график асосида олиб борилди. Кўпроқ бунда практик дарсларга ҳамда ўзи бажарадиган ишларга аҳамият берилади. Лаборатория ишлари асосан мустақил бажариладиган технологик жараёнлардан иборат, улар билан ўқитувчилар мулоқотда бўлиб турадилар. Лаборатория ишлари асосан 3-4 студентга иш жойида тушунтирилади. Иш ҳафтасининг охирида улардан ҳисобот қабул қилинади.

Биз таклиф қилган графикнинг асосий афзалликларидан бири студентлар завод директорининг буйруғига биноан ҳар ҳафта ўз иш жойларини ўзгартирадилар. Яна бир ўзгариш: 5-курс студентларимиз сентябрь ойида диплом темаларини олиб, керакли материалларни йиға бошлайдилар, завод инженерлари ҳамда ишчилари билан балар устида тўхталиб ўтмоқчиман. Институт қатор кафедраларида келажак мутахассисларининг билимини ошириш устида тинмай изланиляпти. Кўплаб реал ва бўюртма диплом лойиҳалари амалга оширилмоқда. УПНЦ (ўқув-ишлаб чиқариш илмий маркази) ишлаб турибди. Кўпгина дарслар ишлаб чиқариш билан ўзвий боғлиқ равишда олиб борилмоқда. Студентлар конструкторлик-лойиҳалаш бюроси ҳам ўз ишини янгича ташкил қиляпти. Ишлар хўжалик шартномаси асосида олиб бориляпти.

Олий таълимни қайта қуриш учун аввало, ўқиш жараёни ишлаб чиқаришга яқинлаштирилиши лозим. Фақат ўқув лабораторияларида бу мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун автомобилларни ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш кафедрасида ўқув жараёнини янгича ташкил қилдик. 1987/88 ўқув йилидан бошлаб шу ихтисосдаги студентлар IV курснинг охири ва V курс давомида ҳам ишлаб, ҳам ўқидилар. Практика ва иш жараёни авторемонт заводларида амалга оширилди. Бунинг учун студентлар иш ҳақи ҳам олади-лар. Қувончлиси шуки, студентлар иш даврида автомобилларни ва двигателларни ремонт қилиш, синаш усулларини мукаммал ўрганиб чиқдилар. Ўқув жараёни ҳам қисқартирилган график асосида олиб борилди. Кўпроқ бунда практик дарсларга ҳамда ўзи бажарадиган ишларга аҳамият берилади. Лаборатория ишлари асосан мустақил бажариладиган технологик жараёнлардан иборат, улар билан ўқитувчилар мулоқотда бўлиб турадилар. Лаборатория ишлари асосан 3-4 студентга иш жойида тушунтирилади. Иш ҳафтасининг охирида улардан ҳисобот қабул қилинади.

Биз таклиф қилган графикнинг асосий афзалликларидан бири студентлар завод директорининг буйруғига биноан ҳар ҳафта ўз иш жойларини ўзгартирадилар. Яна бир ўзгариш: 5-курс студентларимиз сентябрь ойида диплом темаларини олиб, керакли материалларни йиға бошлайдилар, завод инженерлари ҳамда ишчилари билан яқиндан ҳамкорликда ишлашимиз, буюртмаларимиз учун ўзимиз жавобгар бўлишимиз керак.

Ишончимиз комил, бундай ишлаш ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ошириб, ўқишга қизиқишини кучайтиради, ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг самарадорлигини оширади.

С. ҚОДИРОВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти профессори.

Жуда ҳам билимсиз эмас

Муаллифлар мазкур мақолада олий ўқув юртлари ва мактабларда қайта қуришни амалга ошириш бўйича айрим муҳим масалаларни ёритиб тўғри қилганлар. Ҳақиқатан ҳам турғунлик йилларида мактабларда икки йилликсиз таълим шиорига риоя қилинганлиги туфайли «бидан кетгунча...» қабилида йўл тутилди. Бу эса болаларнинг кейинги ўқиш ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, олий ўқув юртларига киришда катта қийинчиликларга дуч келинмоқда. Бир амаллаб студентлик гувоҳномасини олганлар ҳам чаласавод. Демак, абитуриентларни саралаб олиш нотўғри ташкил этилган, дейиш мумкин. Мақолада институтда имтиҳон барча қоидаларига амал қилиб ўтказилса, қабул плани бажарилмай қолиши турган гаплиги, шу сабабли абитуриентларни сақлаб қолиш «чоралари» кўрилиши ва институт қабул плани бажарилиши ҳақида гап боради.

Бизнингча, имтиҳон учун масала ва мисол танлаётганда ўқувчиларнинг мактабда олган билими назарда тутилиши керак. Тўғри, мазкур муаммони бартараф этиш йўллари қидирилмоқда. Кейинги йилларда институт ўқитувчилари район мактабларида бўлиб ўқувчилар орасида имтиҳон учун танланган масала, мисолларни синаб кўришмоқда. Лекин бу тадбир мақсадга мувофиқ эмас. Чунки РайОНО раҳбарлари ўқитувчиларга энг яхши икки-уч мактабни тавсия қилишади. Бундай мактаб ўқувчилари билими эса бутун район бўйича хулоса чиқариш имконини беролмайди.

Ўрта мактаб программаси бўйича институтларда тузиладиган имтиҳон вариантларини ечиш учун ўқувчи тайёр бўлиши керак. Бунга у фаннинг назарий қисми билан қуролланган ва масала, мисол ечишда тинимсиз машқ қилган бўлиши зарур. Бундан ташқари кириш имтиҳонида тушиши мумкин бўлган машқлар олдиндан матбуотда эълон қилинганда болаларнинг пухтароқ тайёргарлик кўришларига йўналиш яратилган бўларди.

Одатда институтларда бир ўринга уч ёки тўртта, баъзиларида олтитагача «ҳужжат топширилади. Демак, студентликка абитуриентлардан энг яхшиларини танлаб олиш имкони бор. Бунинг учун имтиҳон олувчи ўқитувчиларни ҳар томонлама текширувдан ўтказиш зарур. Абитуриентларга мўлжаллаб тайёрланган вариантлар бўйича ўқитувчиларни синаб кўриб, фақат «аъло» баҳо олганларигина комиссия таркибига киритилиши керак.

Илгари институтларда пландагидан ортиқча резерв студентлар қабул қилинар, улар биринчи семестр тугаши билан ўзлаштиролмаган талабанинг ўрнини эгаллар эди. Ҳозир бунга барҳам берилган. Аксинча, резервлар сонини қўпайтириш лозим. Балки имтиҳонларни топшира олган барча абитуриентларни конкурссиз қабул қилиш керакдир. Ана шунда қобилиятсиз студентлар йўлйўлакай «тўкилиб» қолаверади. Бунинг учун студентлар орасида ҳар семестрда пухта аттестация ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ю. ЖЎРАЕВ,
доцент.
О. ФАРМОНОВ,
журналист.







• *Улкамиз ноз-неъматлари*

Бол томар боғлар

•

Серқуёш ўлкамиз қадим-қадимдан ўзининг ширин-шакар мевалари, ноз-неъматлари билан машҳур. Меҳнатсевар халқимиз бир парча ерда ҳам мевазор яратишга одатланган. Қўриқ Жиззах областининг Дўстлик районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози боғбонлари ҳам серҳосил боғлар яратиб, эл дастурхонига файз киритмоқдалар.

Айниқса, хўжаликнинг тўққизинчи бригадасида бу йил баракали ҳосил етиштирилди. Дарахтлар шохи мўл ҳосилдан эгилган. Бу — бригада коллективининг 180 гектарлик боғдан кўзланган марра — 890 тонна ўрнига 1000 тоннадан ортиқ мева топшириштдек юксак мажбуриятини албатта бажаришидан далолат бериб турибди.

Айни кунларда бригада боғларида пишиқчилик. Мева теримн авжида. Миришкорлар ҳосилни йиғиб-териб, пешмапеш эл дастурхонига етказиб бермоқдалар. Ўзбек боғбонлари етиштирган олмалар Новосибирск, Владивосток шаҳарларига, БАМ қурувчиларига ҳам жўнатилаётир.

Суратларда: бригада аъзоларидан Орзигул Очилова (чапда) билан Одина Болтабоева олма теримида.

А. Тўраев фотолари.

• *Яхшиларга раҳмат*

КЎНГИЛНИ ДЎСТ КЎТАРАР

Ширмонхон ая барвақт уйғонди. Ёши ўтиб қолганига, уйида келинлари бўлишига қарамай, қўлига супурги олди. «Онамизга нима бўлди, каллаи саҳарлаб туриб ҳаммаёқни саранжом-саришталашга тушибдилар» дея ҳайрон эди келинлар.

— Ичкари уйга жой ҳозирлаб қўйинг. Дастурхонларни янгисини солинг. Кечаси ҳамир қориб қўйганман. Патир ёпамиз, варақи, сомса ҳам пиширамиз, — деди ая катта келинига.

— Меҳмонлар келишадими?— ажабланди кичик келин. Сўнг бу тайёргарлик боисига ўғиллари ҳам қизиқсинишди...

Онаизор лабини тишлади. Наҳотки, шунча йилдан буён худди шу куни хонадонига ташриф буюрадиган меҳмонларни унутишган бўлса?!

— Ахир, бугун аканг Одилжоннинг туғилган куни-ку,— кўзлари намланди онаизорнинг.

—...Биламиз. Тайёргарлик кўрганмиз, она. Бўлди, шунга безовталанаписизми? — деди Омаджон.

Кейин фарзандлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

Оилада барчага иш топилди. Ўғиллар бозорга шошдилар. Келинлар қозон-товоққа, тандир бошида ишга уннаб кетдилар. Тушдан кейин кўча эшик жиринглади.

— Келинг, Муроджон, келинг,— кўзларида ёш билан қарши олди Ширмонхон ая меҳмонни.

— Келдик, ўртоғимизни йўқлаб келяпмиз. Узр, безовта қилдик. У қўлидаги мева-чевага тўла халтани узатди.

— Кечки пайт, ишдан сўнг, албатта, келамиз, — деди у.

— Хайрият, жўрабошилари келди. Демак, бошқалари ҳам албатта, келади...

Ширмонхон ая енгил нафас олди. Чеҳраси ёришиб кетди. Гўё ўғли Одилжон қаршисида пайдо бўлгандай бўлди.

Кечки пайт Андижон шаҳридаги 2-переулок Киров кўчасидаги Ширмонхон ая Мукаррамованинг хонадонига йигитлар тўплана бошладилар. Улар бир пайтлар ўрта мактабда бирга ўқишган, кейинчалик турмуш тақозоси билан турли жойларда ишлаётган йигитлар эди. Муроджон Исматуллаев тиш врачи, Носир Хўжаев темирйўлчи, Нозим Низомиддинов ҳайдовчи, Муҳаммад Эгамбердиев вагон депосида мастер, Тоҳир Ўринбоев санъаткор, Неъмат Раҳматуллаев машинасозлик заводининг ишчиси... Ҳаммалари тўпланиб бўлишгач қабристон томон йўл олдилар. Дўстлари бундан ўн беш йил аввал автомобиль фалокати туфайли ҳалок бўлган ўртоқлари — Одилжоннинг қабрини зиёрат қилдилар. Қабр атрофини тартибга келтирдилар. Дўстларининг кучи билан бунёд этилган ёдгорлик тошини артдилар, гул қўйдилар. Сўнгра марҳум дўстлари хонадонига ташриф буюрдилар.

Ноз-неъмат тўла дастурхон атрофидаги ўриндиқларнинг бири доимо бўш қолади. Бу жойда ҳаёт бўлганида ўртоқлари, синфдошлари Одилжон Жўраев ўтирган бўларди.

Одилжон олий маълумот дипломи олиш арафасида фалокатга учраган эди. Шундан буён ўртоқлари унинг туғилган кунини нишонлайдилар. Шундан буён улар Мукаррам аянинг фарзандларига айланган. Ҳар байрамда Одилжон хонадонига дўстлари ташриф буюрадилар. Улар Одилжон бўлиб онаизорни табриклайдилар. Одилжон бўлиб хизмат бажо келтирадилар, Одилжон бўлиб куюнадилар, севинадилар....

Кўнгилни дўст кўтарар, деб шунга айтадилар-да.

Муқимжон НИЁЗОВ.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини снёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг!

Обуначи ўз турар жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли чақмоқларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ЎЗБЕТГА ҚАРАЛСИН!

• *Болаларингизга ўқиб беринг*

Афғонистон

Сен — қадим юрт,
Бизга яқин —
Бир қадам юрт.
Инқилобдан
Яйраб-яйраб,
Яшнаб-яшнаб,
Дўст қўлларни
Кўзларга сурт!
Афғонистон!
Афғонистон!
Уқиқир-чўқиқир —
Тоғ йўлларн,
Бўронлари,
Чексиз-чексиз —
Қум, чўллари,
Дашти Марғо
Ҳам Ҳиндиқуш
Сенга гувоҳ!
Афғонистон!
Афғонистон!
Қутлуғ бўлсин
Кулиб боққан —
Эрк замонинг,
Ўзингники
Ер — осмонинг!
Энди, яша,
Душманларнинг
Чиқсин жони.
Афғонистон!
Афғонистон!
Навоийнинг
Руҳи — мадад.
Бобур қолди
Сенда абад.
Халқнинг шони
Ҳам беадад.
Демак, сенинг
Қўлинг баланд!
Афғонистон!
Афғонистон!
Сен — қўшнимиз,
Жонга туташ,
Боғлаб турар —
Чўнг Хайратон.
Аму бўйлаб,
Отганда тонг,
Ёруғ кунни
Халқинг кўрар!
Афғонистон!
Афғонистон!

Тўлан НИЗОМ.

Бойчечак

Илк баҳорда
Униб чиққан Бойчечак.
Баҳор каби
Гўзалликка бой, чечак.
Дала-қирда
Ўсиб ётар бемалол,
Камтарин у,
Танламайди жой, чечак.
Топгач уни,
Сўлмасин деб қўлимда,
Суртиб қўйдим
Томоғига лой, чечак.
Сув ичгандай
Яшнаб кетди яна ҳам,
Мен ойимга
Совға қилган Бойчечак.

Новвой нони

Новвой нони
Юмшоққина ҳам қайноқ,
Юзи кулар,
Оппоққина, бўрсилдоқ.
Чакич урган
Уртасига гул солиб.
Сингиб пишган
Лаҳча чўғдан ранг олиб.
Юзга сепган
Седаналар нонга зеб,
Бундай нонни
Тўймагайсиз сира еб.
Хаммрига
Макка уни омухта,
Новвой ишни
Бажаради тез, пухта.
Устозда,
Новвой қилар бу нонни,
Хурсанд қилиб
Кузатамиз меҳмонни.

Нусрат АБДУСАЛОМОВ.

Ахборот

«Боғишамол» бағрида

● Денгиз сатҳидан 800 метр баландда жойлашган «Боғишамол» оромгоҳи Андижон меҳнаткашларининг севимли масканига айланган. 300 гектарли соя-салқин боғда анвойи гуллар чамани кўзга ташланади. Меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун шароитлар етарли. Маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. «Мовий осмон» кафеси, «Милий таомлар» ошхонаси, «Совғалар» магазини ҳамда «Боғишамол» универмаги ҳамиша гавжум. Тирлар, аттракционлар, каруселлар ҳамда юксакликка олиб чиқувчи осма-арқонйўл дам олувчилар ихтиёрида. Бу ерда оммавий сайллар, концертлар, дорбозлар ва полвонларнинг чиқишлари анъанага айланган. «Боғишамол»га Фарғона, Наманган, Жиззах, Тошкент шаҳарларидан, Ўш, Жалолобод ва Ленинободдан ҳам дам олувчилар ташриф буюришмоқда.

Б. ҲОЖИМАТОВ.

«Уй бекалари» ва бошқалар

● Қувасой шаҳрида иккита маданият уйи, 30 кутубхона, 16 клуб меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда. «Назм ва наво», «Уй бекалари» клубларининг фаолиятидан кўпчилик мамнун, 36 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги, 2 та бадиий ҳаваскорлик ансамбли ҳамда «Тиканак» бадиий агитбригадаси аъзолари аҳоли ўртасида қизиқарли тадбирлар ўтказишмоқда. «Ёр-ёр» фольклор ансамбли, «Ветеранлар хори» ижросидаги қўшиқ-рақслар мазмунли ва завқли. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. 700 ўринли маданият саройи қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

• *Спорт*

МУВАФФАҚИЯТЛИ САФАР

✦ Гулистонлик спортчи Виктор Скоморохин Болгариядан Ватанига қайтиб келди. У СССР терма командаси составида социалистик мамлакатлар мудофаа жамиятларининг ҳарбий-амалий кўпкураш турнирида иштирок этди. Виктор аъзо бўлган команда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Бундай йирик мусобақаларда биринчи марта қатнашган Виктор Скоморохин учта олтин ва кумуш медални қўлга киритди.

ИМКОНИЯТЛАР БОЙ БЕРИЛДИ

✦ Яқинда республикамиз пойтахтида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг гандболчи студентлар командалари ўртасида зонал турнир бўлиб ўтди. Унда Краснодар ўлкаси йигитлар командаси ҳам иштирок этди.

Турнирда краснодарлик қўл тўпи усталари муваффақиятли қатнашдилар. Улар ўтган йилги мамлакат биринчилигида бронза медалига сазовор бўлган эдилар. Меҳмонлар барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, энг кўп — 10 очко тўпладилар. Иккинчи ўринга Қозоғистон командаси кўтарилди.

Майдон эгалари — Тошкент физкультура институти спорт клуби ўйинчиларининг омади келмади. Улар Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон командаларини мағлубиятга учратган бўлсалар-да, бироқ краснодарлик ва қозоғистонлик тенгдошларидан енгилиб, учинчи ўрин билан кифояланиб қолдилар.

Дастлабки иккита мукофотли ўринни эгаллаган командалар август ойи охирида Харьковда бўладиган финалда ўйнаш учун йўлланма олдилар.

ИШЧИ СПАРТАКИАДАСИДА

✦ Наманган область Задарё районидаги «Гигант» колхозида қишлоқ спортчиларининг мусобақалари бўлиб ўтди. Унда теннисчилар, футболчилар, шахматчилар, шашкачилар куч синашдилар. Турнирда Н. Усмонов ва Т. Қўғонова бошчилик қилаётган «спортчи» бригадалар ғолиб чиқишди. Шунингдек, спортга ишқибоз оилалар ҳам аниқланди. «Отам, онам ва мен» принципи асосида ташкил этилган ўн тўртта команда ўртасида Ортиқовлар оиласи бошқаларга ўрнак кўрсатди.

Хуллас, колхоз спартакиадасида бригада ва оилавий командаларга уюшган 225 нафар спортчи яхши натижаларга эришди. Бу — ВЦСПС қарорига биноан ўтказилаётган касаба союзларининг биринчи Бутуниттифоқ ишчи спартакиадасидаги кўплаб тадбирлардан биридир. Жисмоний тарбия ва туризмни меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари кундалик ҳаётига жорий этиш, меҳнат коллективларида соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларини яхшилаш — унинг энг асосий мақсадидир.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗАВТОРЕМОНТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

БИРЛАШМАНИНГ АВТОРЕМОНТ ЗАВОДЛАРИ КАПИТАЛ РЕМОНТ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАРКАЛИ МАШИНАЛАРНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ЛИАЗ-677», «ЛАЗ-695» АВТОБУСЛАРИНИ — **Тошкентдаги 2-авторемонт заводи** (702050, Тошкент области, Калинин райони, Хонобод қишлоғи, Транспортная кўчаси, 53-уй. Телефон: 90-33-85);

«ГАЗ-24» АВТОМОБИЛЛАРИ, «ЕРАЗ-762», «РАФ-2203» МИКРОАВТОБУСЛАРИНИ — **5-Олмазор авторемонт заводи** (702850, Тошкент области, Олмазор посёлкаси, Самарқанд кўчаси, 5-уй. Телефон: 3-23-04);

«ЗИЛ-130», «ММЗ-555», 45021 «КАЗ-608» АВТОМОБИЛЛАРИ, «ЗИЛ-157» АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ ДВИГАТЕЛЛАРИНИ — **Ленинскдаги 6-авторемонт заводи** (711099, Андижон области, Ленинск шаҳри, Крупская кўчаси, 57-уй. Телефон: 2-23-77);

«ГАЗ-51», «ГАЗ-52», «ГАЗ-53А» автомобилларини — **Тошкентдаги 10-авторемонт заводи** (700034, Тошкент шаҳри, Дадабоев кўчаси, 64-уй. Телефон 58-51-11);

«ЗИЛ-130», «ММЗ-555», «КАЗ-608» АВТОМОБИЛЛАРИ, «ЗИЛ-130» АВТОМОБИЛИНИНГ ДВИГАТЕЛЛАРИНИ — **Нукусдаги 16-авторемонт заводи қабул қилиб олади** (742000, Нукус шаҳри, ҚҚАССР, Ленин проспекти, 167-уй. Телефон: 2-52-63);

«ГАЗ-51 А», «ГАЗ-52», «ГАЗ-53 А» АВТОМОБИЛЛАРИ, «ЗИЛ-130» АВТОМОБИЛИНИНГ ДВИГАТЕЛЛАРИНИ — **Хивадаги 13-авторемонт заводи** (741415, Хоразм области, Саёт қишлоқ Совети, Телефон: 5-36-90).

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. Телефон: 91-15-48.

БУЛУНҒУР РАЙОНИДАГИ 5-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1988—1989 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФНИ БИТИРГАН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали кадрлар тайёрлайди.

Мелиорация ишлари механизаторлари — ўқиш муддати 3 йил;

бульдозер, скрепер, грейдер машинистлари — ўқиш муддати 3 йил;

кенг малакали тракторчи-машинистлар — ўқиш муддати 3 йил;

пойабзал фабрикалари учун бичиқчи, қолипловчи, тикувчилар — ўқиш муддати 8-синфни битирганлар учун 3 йил; 10-синфни битирганлар учун 1 йил. Трактор ва автомобиль ремонти бўйича слесарлар — ўқиш муддати 1 йил; секретарь-машинистқалар — ўқиш муддати 1 йил;

мелиорация ишлари механизаторлари — ўқиш муддати 1 йил.

Билим юртига кириб ўқиган талабалар диплом ва ўрта маълумоти ҳақида аттестат, мутахассислиги бўйича гувоҳнома, 3-класс тракторист-машинист гувоҳномасини олиб чиқадилар.

75 процент «аъло» баҳо билан битирганлар имтиёзли диплом оладилар ҳамда олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзлардан фойдаланадилар. Уларга олий ўқув юртларига кириш учун область ҳунар-техника таълими бошқармасининг йўлланмалари берилади.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона, ҳар куни 4 маҳал иссиқ овқат, ҳар йили кийим-кечак ва стипендия билан таъминланадилар.

Билим юрти замонавий кўргазмали қуроллар, техника воситалари билан жиҳозланган ўқув кабинетлари, лабораториялар, устахоналар, спорт зали, спорт майдончалари ва клубга эга.

Энг янги маркадаги тракторлар, экскаваторлар, скрепер, грейдер ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари бор.

Ҳунар масканида дарсдан кейин шуғулланиш учун «ҚАЛДИРҒОЧ» бадиий ҳаваскорлик вокал-чолғу ансамбли, киномеханиклик, техника ижодкорлиги тўгараклари, футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, бокс, самбо, кураш, стол тенниси, шахмат-шашка секциялари ишлаб турибди.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржиман ҳол, маълумоти ҳақида гувоҳнома, аттестат (асл нусхаси), 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат (6 дона), характеристика, медицина справкаси (086/форма), яшаш жойидан справка.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.
Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Адрес: Самарқанд области, Булунғур райони, Красногвардейск шаҳри, ВЛКСМ 30 йиллиги кўчаси, 105-уй.
Телефонлар: 7-51-37, 7-56-90.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 12/VIII да **«Алвидо, ҳаёт»** (19.00), 13/VIII да **«Чернобиль аланғаси»** (19.00), 14/VIII да **«Майсаранинг иши»** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа, «ИНТЕРЦИРК-88» ГАСТРОЛЛАРИ** (12/VIII да 19.30, 13/VIII да 16.00, 19.00, 14/VIII да 13.00, 16.00, 19.00).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари масъул ходим М. К. Носировага онаси

Гулхан АБДУВАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

• *Тингланг, томоша қилинг*

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00—«120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм, 9-серия. «Кекса сеҳргар». 10.15 — Умринг боқий бўлсин, Ер! 11.15 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Орёл телевидениеси студиясининг программаси. 17.35 — Халқ ижодиёти. 18.05 — Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 18.55— Мультфильм. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилеб берган йўлдан. 19.55 — «Оилавий экран. Ҳеч нарсага арзимайдиган». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Қайта қуриш прожектори. 22.15 — СССР халқ артисти Ю. Соломин. 23.30 — Навбат сизга, артист. 24.00 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 9.40 — Илмий-оммабоп фильм. 10.00 —Мультфильмлар. 10.20 — Инглиз тили. 10.50 — «Қиёфадош ёрдамга келди». Бадиий фильм. 12.10 — Инглиз тили. 12.40 — Болалар учун фильм. 13.45 — Ҳужжатли фильмлар. 14.20 — Янгиликлар. 14.30 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 12-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — «Свитанок» халқ рақс ансамбли ижро этади. 19.00 — Билса ҳазил, билмаса чин. 19.30 — Ҳайвонот оламида. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — От спорти. Бутуниттифоқ мусобақалари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Кўргазма». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 — Янгиликлар. 23.30 — Волейбол. Халқаро турнир.

12 АВГУСТ, ЖУМА

●

ЎзТВ-I. 15.00 — Фильм-концерт. 15.50 — Телефильмлар. 16.25 — Болалар учун фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Санъат ғунчалари. 19.00 — Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 19.30 — Тил — маданият кўзгуси. 20.00 — Ахборот. 20.15— Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстрада концерти. 21.15 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Инсонни ардоқланг». Бадиий фильм. 2-серия. 22.50 — Иқтисодий ислоҳот: муаммолар, ечимлар. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 ...плюс электрлаштириш. 22.45 — «Юлдузлар учганда». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Эстрада концерти. 9.30 — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Ғ. Хожиқулов ижросида концерт. 9.45 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари— ҳаётга! 10.15— Бир жуфт қўшиқ. 11.15 — Юность. 12.10 — Ишчинома. 12.30—Навоий область халқ талантларининг чиқиши. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Дам олиш соатида. 14.00— Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун эшиттириш. 15.30—Ёзувчилар — болаларга. 15.50 — Х. Ғаюмов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 16.00— Дўстларимиз овози. 18.15 — Бизнинг социалистик турмуш тарзимиз. 18.30 — Най наволари. 18.40—Ленинча дўстлик байроғи остида. 19.20—Огонёк. 20.15—Касаба союз фаолияти доираси. 20.30 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари—ҳаётга! 22.45 — Футбол. МАСК — «Пахтакор». 23.15 — Оркестр куйлари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 10899. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 184. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12